БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 133 (624)

8 ИЮЛЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Корея Халқ-Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси Москвага келди

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ, КХДР Министрлар Кабинетининг Раиси Маршал Ким Ир Сен бошчилигида Корея Халқ Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси 6 июлда кундуз куни Москвага келди.

Делегация составида Корея Меҳнат партияси Марказий комитети Раисининг ўринбосари Пак Ден Ай, КХДР Ташқи ишлар министри Нам Ир, Давлат план комиссиясининг раиси Ли Чжон Ок, Корея Демократик партияси Марказий комитети раисининг ўринбосари Ко Чжун Тхек, «Ченудан» партияси Марказий комитети раисининг ўринбосари Ким Бен Чже, Миллий мудофаа министрининг ўринбосари генерал-полковник Цой Хен ва бошқалар бор.

Н. А. Булганин, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Б. Н. Пономарев, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. А. Яснов, Йўллар министри Б. П. Бещев, СССР Госпланининг Раиси Н. К. Байбаков, Совет Иттифоқининг Маршаллари И. С. Конев ва И. Х. Баграмян ва бошқа расмий кишилар, совет ва чет эл журналистлари меҳмонларни кутиб олиш учун Марказий аэродромга келдилар.

Меҳмонларни кутиб олувчилар орасида СССРнинг КХДРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. И. Иванов, шунингдек КХДРнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ли Сан Чо бор эди. Ли Сан Чо КХДР ҳукумат делегацияси составига киради.

Аэродромда Москвадаги бир қанча элчихоналар ва миссияларнинг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Соат 15 да меҳмонлар тушган самолётлар аэродромга қўндилар ва кутиб олувчилар тўпланган жойга келиб тўхтадилар. Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. А. Булганин КХДР Министрлар кабинетининг самолётдан чиқиб келган Раиси Ким Ир Сенни самимий табриклади. Фахрий қоровул бошлиғи Ким Ир Сенга рапорт берди. Аэродромда КХДР ва СССР Давлат гимнларининг садоси тантанали суръатда янграйди. Маршал Ким Ир Сен ва ўртоқ Н. А. Булганин фахрий қоровул олдидан ўтадилар. Шундан кейин улар дипломатия корпусининг аъзолари билан ва меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари билан кўришадилар. Москваликлар гулдурос қарсаклар ва «ура» хитоблари билан Ким Ир Сен ва Н. А. Булганин ўртоқларни қизғин табриклидилар.

Ўртоқ Ким Ир Сен микрофон ёнига келиб, нутқ сўлайди.

Ўртоқ Ким Ир Сен нутқи

Министрлар Советининг ҳурматли Раиси!

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Корея Халқ-Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси улуғ Совет Иттифоқи Ҳукуматининг таклифига мувофиқ унинг пойтахти Москвага келиш билан жуда хурсандир.

Даставвал, корейс халқи номидан Москва шаҳрининг аҳолисига ва бутун қардош совет халқига энг самимий салом топширишга ижозат бергайсиз.

Бизнинг халқимизи япон империализмининг мустамлакачилик зулмидан озод қилганликлари учун ва янги ҳаёт қурилишида беғараз ёрдам бераётганликлари учун корейс халқи совет халқига ва унинг ҳукуматига самимий миннатдорчилик туйғуларини ўз қалбида сақламоқда. Бизнинг халқимиз совет ва хитой халқлари билан ҳамда барча халқ демократияси мамлакатларининг қардош халқлари билан бузилмас дўстликни ўз кучларининг муҳим манбаи ва ўз ватанининг озодлиги ҳамда мустақиллигини таъминловчи мустаҳкам гарантия деб билади.

Биз яқиндагина Европадаги халқ демократияси мамлакатларида бўлдик. Қардош халқларнинг тинч ижодий меҳнат қилиб, тарихан қисқа давр ичида социал, иқтисодий, маданий соҳаларда ва бошқа соҳаларда эришган катта муваффақиятлари халқ-демократик тузумнинг капиталистик тузумга нисбатан шубҳасиз устун эканлигини, ҳамиша ғолиб марксча-ленинча идеяларнинг буюк ҳаётий кучини жуда яққол кўрсатади.

Биз ана шу мамлакатларнинг халқлари бизнинг халқимиз каби улуғ совет халқи билан дўстликни ғоят қадрлаётганликларини ва бу дўстликни янада кўпроқ мустаҳкамлашга интилаётганликларини кўрдик.

Қадрли ўртоқлар!

Ҳукумат делегациямизнинг Совет Иттифоқига келиши ҳар иккала халқимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ёрдам берали ва Европада ҳамда Осиёда тинчлик ишига ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик!

Яшасин Совет Иттифоқи шонли Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида зўр ишонч билан коммунизм сари бораётган улуғ совет халқи!

Яшасин бутун дунёда мустаҳкам тинчлик!

* * *

Маршал Ким Ир Сен ва Н. А. Булганин очиқ машинага тушиб, аэродромдан жўнаб кетадилар. Улар кетидан Пак Ден Ай ва Е. А. Фурцева, сўнгра Нам Ир ва Д. Т. Шепилов бошқа машиналарда жўнайдилар. (ТАСС).

Н. А. БУЛГАНИН КХДР Министрлар Кабинетининг Раиси КИМ ИР СЕНни ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг аъзоларини қабул қилди

7-июлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Москвага келган КХДР Министрлар Кабинетининг Раиси Маршал Ким Ир Сенни ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг аъзолари: Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Раисининг ўринбосари Пак Ден Айни, КХДР Ташқи ишлар министри Нам Ирни, Давлат план комиссиясининг раиси Ли Чжон Окни, «Ченудан» партияси Марказий Комитети раисининг ўринбосари Ким Бен Чжени, Миллий мудофаа министрининг ўринбосари генерал-полковник Цой Хенни, Ким Чак номидаги Политехника институтининг ректори Чо Гим Сонни, Меҳнат қаҳрамони Хан Ги Чанни, Меҳнат қаҳрамони Чжен Сен Бокни, КХДРнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ли Сан Чони қабул қилди.

Қабул вақтида СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов ва СССРнинг КХДРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. И. Иванов ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИДА

Олий ўқув юртларида ижтимоий фанлардан дарс бериш тўғрисида

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди олий мактаб олдига олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш вазифасини қўйди. Съезд ғоявий-тарбиявий ишларни яхшилаш ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун кадрларни иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш зарурлигига алоҳида эътибор берди.

СССР Олий таълим министрлиги партиянинг кўрсатмаларини амалга ошириб 1956-1957 ўқув йилидан бошлаб мамлакатдаги барча олий ўқув юртларида учта мустақил курсни, яъни «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи», «Сиёсий иқтисод», «Диалектик ва тарихий материализм» курсларини жорий қилади.

Уч курснинг жорий қилиниши олий мактабда ижтимоий фанлардан дарс бериш ишини уюштиришга қандай янгилик киритади?

Олий ўқув юртларида кейинги вақтларгача «Марксизм-ленинизм асослари» курси ўрганилиб келган эди. Курс программаси асосан ВКП(б) тарихи қисқа курсида баён қилинган масалалар билан чекланарди.

Кўпгина олий ўқув юртларида диалектик ва тарихий материализм курси ўқитилмади. Дарс бериш жараёнида кадрларга иқтисодий билимлар беришга тегишинча эътибор берилмади. Сиёсий иқтисод дарслари конкрет экономика билан, олий ўқув юртининг профили билан боғлаб олиб борилмади.

СССР Олий таълим министрлиги саноат ва қишлоқ хўжалиги учун мутахассисларни иқтисодий жиҳатдан тайёрлашни яхши йўлга қўйиш мақсадида сиёсий иқтисод дарсининг сифатини яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирлар белгиладди, шунингдек техника ва қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларида бу фанни ўрганиш соатларини кўпайтирди.

КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, диалектик ва тарихий материализм юзасидан программа проектлари тайёрланди. Олий ўқув юртлари янги ўқув йилида ана шу программаларга мувофиқ иш кўрадилар. Бошқа ўқув-методика қўлланмалари — лекциялар, семинар машғулотларининг планлари ва шу сингарилар ҳам ишлаб чиқилмоқда.

КПСС тарихи юзасидан янги программа ўқитувчиларнинг эътиборини марксизм-ленинизм идеяларини конкрет тарихий фактлар асосида кўрсатишга, Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитетининг сиёсий ҳамда ташкилотчилик фаолиятида тўпланган жуда бой тажрибани умумлаштиришга қаратади.

Сиёсий иқтисод, диалектик ва тарихий материализм программалари тубдан қайтадан ишлаб чиқилди, хусусан КПСС XX съездининг қарорларида назарий жиҳатдан янада ривожлантирилган проблемалар юзасидан тамомила қайтадан ишлаб чиқилди.

Министрлик олий ўқув юртларининг профили ва характерига мувофиқ суратда ижтимоий фанларни ўрганишдаги янги тартибга ўтиш юзасидан амалий тадбирлар белгилади. Ижтимоий фанлардан дарс берувчи ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тадбирлари ҳам белгиланди. Олий ўқув юртлари жойлашган бир қанча шаҳарларда 1956 йил 1 сентябрдан бошлаб КПСС тарихи, сиёсий иқтисод ва философия ўқитувчиларининг семинарлари ташкил қилинади. Марксча-ленинча назариянинг энг муҳим проблемалари ва конкрет экономика масалалари юзасидан лекция ўқиш учун энг кучли профессор-ўқитувчиларни жалб этишга қарор қилинди. Москвада бундай семинар ҳозирданоқ ишга киришди.

Олий ўқув юртларида ижтимоий фанлардан дарс беришни уюштиришдаги ўзгаришлар студентларнинг марксча-ленинча билим даражасини юксалтиришга, мамлакатимиз халқ хўжалиги ва маданиятининг турли тармоқлари учун мутахассислар тайёрлашни яхшилашга ёрдам беради. (ТАСС).

Ўзбек совет адабиётини янги ғоявий-бадиий юксакликка кўтариш учун!

Тинч ижодий меҳнат билан шуғулланаётган совет кишиларининг сермазмун ҳаёти, уларнинг мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун олиб бораётган курашлари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона, онгли меҳнатнинг юксак намуналарини кўрсатаётганликлари совет адабиётининг битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Бепоён мамлакатимизда кундан-кун кенг қанот ёзаётган гигант қурилишлар, кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштираётган совет ёшларининг қаҳрамонона ишлари, азим дарёларда қад кўтараётган улкан гидроэлектростанциялар, саноат ва қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган илғор, прогрессив методлар ва ишлаб чиқариш маҳсулларининг беқиёс даражада кўпаяётганлиги прозаикларимиз, шоирларимиз ва драматургларимизни янги ижодий изланишларга отлантирмоқда.

Жаҳонда энг илғор ва энг прогрессив адабиёт бўлган совет адабиёти қаҳрамон халқимизнинг орзу-умидларини, қийинчилик ва хурсандчиликларини, меҳнат ва курашларини куйлаб келмоқда. Киши руҳининг инженерлари бўлган адабиётчиларимиз совет воқилигининг илҳомбахш манбаидан баҳраманд бўлиб йирик полотнолар яратмоқдалар, маданий меросимизнинг олтин фондини янги дурдоналар билан бойитмоқдалар.

Катта совет маданиятининг ажралмас бир қисми бўлган бизнинг ўзбек адабиётимиз ҳам йилдан-йил ривожланиб, янги ижодий муваффақиятларга эришмоқда. Проза, драматургия ва поэзия соҳасида, адабий танқидчилик ва адабиётшуносликда бобида бир қанча асарлар майдонга келди. Республикамизнинг ёзувчилари социалистик реализм методига амал қилиб, рус классикларининг, рус совет ёзувчилари ва мамлакатимиздаги қардош халқлар адабиётининг ижодий тажрибаларини ўрганиб, бир қанча асарларни яратдилар. Сўнгги йилларда проза ва драматургияда бир қанча муҳим асарларнинг яратилганлиги ўзбек совет адабиётининг ижодий ютуқларидандир.

Прозаикларимиз ва драматургларимиз ўз асарларига тема танлашда совет воқилигига мурожаат қилмоқдалар, оддий совет кишиларининг маънавий фазилатларини, ватанпарварлик хислатларини куйламоқдалар, эскилик қолдиқларидан халос бўлмаган кишиларнинг ярамас кирдикорларини баландий сўз воситаси билан фош этмоқдалар.

Ўзбек совет адабиётида қўлга киритилган муваффақиятлар билан бирга, унинг ижодий юксалишида бир қанча камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Ўзбек совет адабиёти диди, эстетик завқи ўсган халқимизнинг санъаткорлар олдига қўяётган талабларидан орқада қолмоқда, ёзувчиларимиз кенг китобхонлар олдида қарздор бўлиб қолмоқдалар. Тошкент, Чирчиқ ва областимизнинг бошқа шаҳарларида ёзувчиларнинг китобхонлар билан бўлган учрашувларида Ёзувчилар союзи ва авторлар олдига бир қанча ҳақли талаблар қўйилди. Ўзбекистон ёзувчилари саноат корхоналарининг ишчилари ҳақида, қишлоқ хўжалигининг новаторлари ҳақида йирик асарлар яратмаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Кенг китобхонлар оммасининг ёзувчилар олдига қўяётган жиддий талаблари Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзининг кеча ўз ишини тамомлаган III пленумида ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ўзбек совет адабиётининг замонамиз талаблари тўла жавоб бермаётганлигининг асосий сабаблари нималардан иборат? Ёзувчиларимиз асарларининг жиддий камчиликлари типиклик масаласини нотўғри тушуниш, ҳаёт билан яхши таниш бўлмаслик ва бадиий маҳоратнинг етишмаслигидадир.

Ёзувчи ҳаётнинг ичига чуқур кириб бориши, у билан ҳамнафас бўлиши лозим. Марксча-ленинча назарияни ижодий эгаллаш ёзувчиларга ҳаётни унинг революцион ривожланишида ҳаққоний ва рўй-рост тасвирлаш, халқлар тарихини бадиий воситалар билан илмий асосда кўрсатиш, букуннинг қалбини сеза билиш ва эртанги кунни равшан кўра билиш имкониятини беради.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати бадиий адабиётни меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг муҳим воситаси, деб унга ҳамма вақт зўр эътибор билан қараб келмоқдалар. Совет адабиётимиз мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун курашда партия ва давлатимизнинг содиқ ёрдамчиси бўлиб хизмат қилмоқда, халқимизни буюк ижодий ишларга, қаҳрамонона курашларга отлантирмоқда.

Партиямиз ёзувчиларимиз олдига катта талаблар қўймоқда. КПСС XX съезди мамлакатимиз санъати ва адабиёти дунёда фақат ўз мазмунининг бойлиги жиҳатидан эмас, балки бадиий кучи ва маҳорати жиҳатидан ҳам биринчи ўринда бўлиши лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Адабиёт ва санъат соҳасидаги ижодий фаолият коммунизм учун кураш руҳи билан суғорилган бўлиши, дадиллик, қатъиқ ишонч ҳисларини дилга жо қилиши, социалистик онгни ва ўртоқлик интизомини кучайтириши лозим. Адабиётимиз халққа онгли хизмат қилишдан, партия ва ҳукуматимизнинг совет халқи ва бутун прогрессив кишиликнинг туб манфаатларини ифодаловчи сиёсатидан илҳом олади ва бу шарафли вазифани таранним этишда ўзини сафарбар деб билади.

Ёзувчиларимиз бу шарафли вазифани бажариш учун ҳаёт билан бирга боришлари керак, унинг жўшқин қалбини, тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини очиқ-равшан кўришлари ва уни юксак бадиий бўёқлар воситаси билан тасвирлаб беришлари лозим. Шуни эътироф қилиш керакки, кўпгина ёзувчиларимизнинг ижодий савияси юксак даражада эмас. Уларнинг марксча-ленинча эстетика соҳасидаги билим ва тажрибалари адабиётимиз олдига қўйилган вазифалар даражасига кўтарилмаган. Ёзувчиларимиз актуал темаларни танлашда, асар тилини яхшилашда, тасвир воситаларини кучайтиришда қунт ва чидам билан ишламаётирлар.

Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзининг III пленумида бадиий маҳоратни ошириш масаласига катта эътибор берилди. Бу масаланинг ўртага қўйилиши бечиз эмас. Йирик ёзувчиларимизнинг, айниқса ёш ёзувчиларимизнинг китобларида ҳали пухта ишланмаган ва китобхонлар талабларига жавоб беролмайдиган асарлар учраб туради.

Поэзия ўзбек совет адабиётининг қолоқ соҳаларидан бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон шоирларининг 20 га яқин шеърлар тўпламлари босилиб чиқди. Нашр этилган поэтик асарларнинг кўпчилигида пафос, бадиий индивидуаллик, типиклик етишмайди.

Адабий танқидчилик ва адабиётшуносликда ҳам жиддий нуқсонлар мавжуддир. Ўзбекистон СССР Давлат нашриёти томонидан ва республика, область газеталарида, журналларда эълон қилинаётган бадиий асарлар танқидчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Классик ёзувчиларимиз ва ўзбек совет ёзувчиларининг ижодлари ҳақида монументал монографиялар яратилмаётир.

Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзи правлениеси республика ёзувчиларининг ижодий юксалишлари, янги асарларнинг яратилиши учун ташаббус кўрсатиб ишламаётир. Союз раҳбарлари ёзувчиларнинг ижодларига бефарқ қараб келганлар. Союзнинг олдинги раҳбарлари Абдулла Қаҳҳор, Вячеслав Костиря ва Мумтоз Муҳамедовларнинг ўзбошимчаликлари билан ёш ёзувчилар билан ишлаш комиссиясининг тугатилиб юборилганлиги ёш авторларга ижодий ёрдам берилмаётганлигини кўрсатади. Шунингдек Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларини редакциялари ҳам ёш ёзувчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатмаётирлар, журнал саҳифаларида ёш авторларнинг асарлари камдан-кам ёритилаётир.

Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзининг III Пленуми республика ёзувчилари олдида катта вазифалар турганлигини кўрсатиб ўтди. 1958 йилда Москвада ўтказиладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси ёзувчиларимизнинг бутун ижодий қобилиятларини сафарбар этиб ишлашларини талаб этмоқда. Ёзувчиларимиз ижодкор халқимизнинг ўсиб бораётган талабларига жавоб берадиган, уни янги қаҳрамонликларга илҳомлантирадиган, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак даражада бўлган асарларни яратишлари керак.

Партия ва халқимиз ёзувчиларимиздан янги асарлар кутмоқда. Коммунистик қурилишнинг актив қурувчилари бўлган оддий совет кишиларининг ёрқин образларини гавдалантирадиган йирик полотноларни яратиш — Ўзбекистон ёзувчиларининг жанговар вазифасидир.

Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва малика Сурайё Киевга келдилар

КИЕВ, 6 июль. (ТАСС). Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий Ҳазрат Олийлари, малика Сурайё Паҳлавий Ҳазрат Олиялари ва уларнинг ҳамроҳлари бугун кечқурун Украина пойтахтига келдилар.

Шоҳ Ҳазрат Олийлари ва малика Ҳазрат Олиялари билан биргаликда Эроннинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Масъуд-Ансорий жаноблари рафиқаси билан ҳамда ҳарбий атташе бригада генерали И. Вали ҳам келдилар.

Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. С. Коротченко, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. С. Гречуха, Украина ССР Олий Советининг Раиси П. Г. Тичина, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Г. Благун, Украина ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари С. А. Ковпак, Украина ССР Олий Совети Президиумининг секретари А. Н. Зленко, Украина ССР министрлари, генерал-полковник И. В. Болдин, СССР ва Украина ССР Олий Советларининг депутатлари, шаҳардаги жамоат ташкилотларининг ва меҳнаткашларнинг вакиллари, журналистлар Эрон давлатининг бошлиғини кутиб олиш учун аэродромга келдилар.

Д. С. Коротченко шоҳаншоҳ Ҳазрат Олийларини, малика Ҳазрат Олияларини ва уларнинг ҳамроҳларини табриклаб, Украина ССР Олий Совети Президиуми, Украина ССР Ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан ишонч билдириб айтдики, эронлик меҳмонларнинг Украинага келган бу визити барча совет кишилари каби украин халқи ҳам Эрон халқига самимий хайриҳоҳлик ва энг яхши туйғулар билан қараётганлигини кўриб билиш имконини беради.

Эрон шоҳаншоҳи микрофон ёнида жавоб нутқи сўзлади.

Аэродромдан резиденцияга бориш йўлида шаҳарнинг минг-минглаб меҳнаткашлари эронлик ҳурматли меҳмонларни табрикладилар. Эрон, Совет Иттифоқи ва Украина ССР давлат байроқлари, украин ва форс тилларида: «Яшасин икки қўшни давлат — Совет Иттифоқи ва Эрон халқлари ўртасидаги дўстлик!», «СССР билан Эрон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари ривожлансин ва мустаҳкамлансин!» деган табрик сўзлари ёзилган қизил алвонлар илинган эди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ШОИР П. Г. АНТОКОЛЬСКИЙНИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиёти соҳасидаги хизматлари учун, туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан шоир Павел Григорьевич **Антокольский Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль
1956 йил, 6 июль.

Совет ҳукумати вакилларининг шаҳзода Нородом Сианук билан музокаралари

6 июлда Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Ташқи Ишлар Министри Д. Т. Шепилов Король Ҳазратлари шаҳзода Нородом Сианук билан музокара олиб бордилар. Музокараларда Камбоджа Бош Министри Ким Тит ва Король Олий Кенгашининг аъзолари Ланг Нгет ва Сан Сари қатнашдилар. Совет томонидан музокараларда СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатлари бўлимининг мудири Б. М. Волков қатнашди.

Музокаралар вақтида СССР билан Камбоджа ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари юзасидан, шунингдек халқаро аҳвол билан боғлиқ бўлган ва ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган баъзи масалалар юзасидан фикр олишилди.

Музокаралар самимият ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Музокаралар давом эттирилади (ТАСС).

Совет-Камбоджа қўшма Ахборотининг имзоланиши

7-июлда Москвада Катта Кремль саройида Совет-Камбоджа қўшма ахборотининг имзоланди. Ахборотни Король Ҳазратлари шаҳзода Нородом Сианук ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин имзоладилар. (ТАСС).

ОЛТИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

„РАҲМАТ СИЗГА, ОТАХОН“

Тўрахон ота ишламасдан сира туролмайди. Болалигида ўтдек шўх бўлган Тўрахон дурадгор отасининг ишига аралашаверар, унга кўмаклашишдан завқланар эди. Агар отаси ромни тепасидан қоқиб қўйишни ёки кесакини рандалаб қўйишни буюриб қолгудек бўлса, бу ишни зўр иштиёқ билан бажарар эди ва шундай пайтда шўх Тўрахонни ҳар қандай қизиқ ўйин билан ҳам чалғитиб бўлмасди. Унинг қилган ишини кўргач, отаси «раҳмат ўғлим» деб қолгудек бўлса бас, қувончини ичига сиғдира олмас эди.

Ўз отасининг кексайиб қолганлигини, унинг рўзғорни тебратишга қийналаётганлигини сезган 14 яшар Тўрахон отаси ёнига кириб ишлай бошлади.

— У маҳалдаги иш қурсин, турган-битгани азоб эди,— дейди бойлар қўл остида акаси ва отаси билан бирга ишлаган дурадгор. — Тонг қоронғисидан қош қорайгунча уч кишилашиб ишласак ҳам на рўзғоримиз ва на кийим кечагимиз бутланарди. Мен 21 йил бойлар эшигида ишлаган бўлсам ҳам, бўйнимизда қарз сира аримади. Октябрь революцияси бўлди-ю, бизларнинг кўкрагимизга шамол, пешонамизга офтоб тегди.

Авжи кучга тўлган ва дурадгорлик ҳунарини мукаммал эгаллаб олган Тўрахон ака ёш Совет ҳукуматига қўлидан келганча ёрдам берди, миллионлар қатори у ҳам социалистик хўжаликни тиклаш ва ривожлантириш учун курашда актив иштирок этди. «Ташсельмаш» заводи қурилиши биланоқ у ерга дурадгор бўлиб кирди. Бу ерда у коллектив ўртасида талантли дурадгор, тажрибали устоз ва жонкуяр жамоатчи сифатида танилиб, катта обрў қозонди.

Тўрахон ака ишлаб чиқаришда ҳам, шахсий турмушида ҳам коммунистларга хос иш қилишга интиларди. Унинг энг улуғ орзуларидан бири коммунист деган шарафли номга эга бўлиш эди. Ниҳоят 1931 йили у партиямиз сафига кирди. 25 йилдан бери Тўрахон авангард коммунист сифатида коммунистик қурилиш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Улуғ Ватан уруши йиллари... Ёши 61 га чиқиб қолган Тўрахон отанинг мазаси кетиб, тез-тез тоби қочадиган бўлиб қолди. Шунда унинг касалини боқаётган врачлар инвалидликка чиқишни маслаҳат беришди. Ўзининг меҳнатсиз яшашини тасаввурига ҳам сиғдира олмайдиган Тўрахон ота врачларга:

— Бутун халқимиз душманни енгамиз деб жон олиб жон бераётган бўлса, хоҳ катта, хоҳ кичик ҳар бир киши қўлидан келганича ғайратшижоат билан ишлаётган бўлса-ю, мен четда турайми, арзимаган касалим туфайли ёнбошлаб ётаймиз, йўқ, унақаси кетмайди, — деб қатъий жавоб берди у.

Шундай дейишга дедику, лекин қарилик ўз таъсирини кўрсатмоқда эди, касал ҳам ҳа дегандa тузалавермади. Айтганини қиладиган чол инвалидликка чиқишдан қатъий бош тортавергач, завод маъмурияти уни ўз уйига яқин ерга жойлашган «Узбексельмаш» заводига кўчирди. Чунки бу ерга қатнаб ишлаш унга жуда қулай эди. Мана, бу ерда ишлаётганига ҳам

ҳа демай 14 йил тўлибди.

Ҳозир Тўрахон ота 76 ёшга кирди, меҳнат фаолиятини бошлаганига — дурадгорлик қила бошлаганига эса 62 йил бўлди. Шу давр мобайнида юздан ортиқ шогирдни уста қилиб чиқарди. Ҳозир бу шогирдларидан кўпи ҳунарманд дурадгор сифатида танилиб, коммунистик қурилиш ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар ўз устозлари билан тез-тез учрашиб турадилар. Ҳар учрашувда шогирдлар устозга, устоз эса ўз навбатида шогирдларга ишлаб чиқаришда эришган ютуқлари, янги режалари тўғрисида сўзлаб беради. Илғор иш методларини қўлланиш юзасидан маслаҳатлашиб туриш, ўз участкасидаги янгиликлардан хабардор қилиб бориш уларнинг доимий одати бўлиб қолган.

Еши анчага бориб қолган бўлса ҳам Тўрахон ота ҳамон ёшлар билан бир сафда туриб зўр ғайрат билан ишламоқда.

— Тўрахон отани кўча-кўйда кўрган киши мункиллаб қолган чол, деб ўйлайди, — дейди «Узбексельмаш» заводи дурадгорлик цехининг бригада бошлиғи Антон Андреевич Погребняк.— Лекин отанинг ишлаётганини кўрган киши унинг ғайратига, ҳунармандлигига қойил қолмай иложи йўқ. Чол бир хилларга ўхшаб шошиб-пишиб ишламайди, аммо энг чапдаст ёш дурадгорлар ҳам ундан айтарлик даражада кўп иш қилолмайди. Отанинг қўлидан чиққан нарса ҳамма вақт кулиб туради. Шу ерда ётган бўлса бир марта ҳам ножўя иш қилганини билмайсиз. Шунинг учун ҳам ҳурматли кексалар тўғрисида гап борганда завод коллективининг ҳар бир аъзоси аввало Тўрахон Шомақсудовни фахр билан тилга олади.

Халқ фаровонлиги йўлида узоқ йил тинимсиз меҳнат қилиб кексайган қарияларнинг қолган умрларини хузур-халоватда, роҳат ва фароғатда ўтказиши тўғрисида Партия ва Ҳукумат томонидан белгиланган қулайликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган Шомақсудов оёғини узатиб ётса ҳам рўзғор-тирикчилигининг бемалол ўтишига ҳамма имкониятлар бор. Бироқ Тўрахон ота ғайрат билан ишлашни бахт деб билади.

— Туғушгандек бўлиб қолган коллективдан, 62 йилдан бери суяк-суягимга сингиб кетган ҳунаримдан ажралиш менга роҳат эмас, азоб беради, мен уларсиз яшаёлмайман, — дейди у.

Отанинг ўз халқи, Ватани ва жонажон касбини шундай қаттиқ севишини сезган, унинг пахтакорларга иложи борича кўпроқ машина етказиб бериш орзуси билан ишлаётганини кўрган ҳар бир киши «раҳмат сизга, отахон», деб унинг қўлини қисгиси келади. Чиндан ҳам мустаҳкам ирода ва битмас-туганмас кучга эга бўлган бу қарияга ҳар қанча раҳмат айтса арзийди.

К. ФИНАНСОВ.

Ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни янада такомиллаштирайлик

Тошкент шаҳар партия активи йиғилишидан

Яқинда Тошкентдаги Свердлов номли концерт залида шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу ерга саноат корхоналарининг хўжалик раҳбарлари, завод-фабрикалар партия ташкилотларининг секретарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари тўпландилар. Йиғилиш қатнашчилари шаҳар парти**я** комитетининг секретари ўртоқ **Р. Ғуломовнинг** КПСС XX съездининг ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисидаги қарорининг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги докладини эшитдилар ва муҳокама қилдилар.

— КПСС XX съездининг тарихий қарорларида, — дейди докладчи, — мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг улуғвор вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифаларни амалга оширишда республика пойтахти—Тошкент шаҳридаги корхоналар коллективи зиммасига ҳам ғоят катта маъсулият юклатилган. Шаҳардаги фабрика ва заводларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия XX съезди қарорларини амалга ошириш йўлида зўр ғайрат ва ижодий ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Шаҳар партия ташкилоти корхоналарда ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ҳамда илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш асосида меҳнатни ташкил этишни янада яхшилашга жиддий эътибор бериб келмоқда.

Шаҳардаги фабрика ва заводларда умумий майдони 64 минг квадрат метр бўлган 78 та цех реконструкция қилинди ва қурилди, 97 та поток линияси ва конвейерлар ташкил қилинди. Партия ташкилотлари эскириб қолган асбоб-ускуналарни модернизациялаш асосида уларнинг ишунумини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу йилнинг ўзида 579 станок, агрегат ва механизмлар модернизация қилинди.

Партия ташкилотлари томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида,— дейди ўртоқ Ғуломов, — 6 ойлик план шаҳар корхоналари бўйича 107 процентга етказиб бажаришди. Ўтган йилнинг худди шу даврилагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 24,6 процент ошди. Ўтган давр мобайнида фан ходимларининг ишлаб чиқарувчилар билан бўлган ижодий ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди.

Ҳали олдимизда жуда катта вазифалар турипти. Кўпгина корхоналар шу куннинг юксак талаблари даражасида ишламаётирлар. Район партия комитетлари ва кўпгина корхоналарнинг партия ташкилотлари техника прогресси масалалари билан жиддий равишда шуғулланмаётирлар. Келтирилган янги станок, машина ва механизмлар ойлаб, айрим ҳолларда эса йиллаб корхоналарнинг складларида ётибди. Ҳозиргача шаҳар корхоналарида 600 дан ортиқ ускуна ўрнатилмаган. Жумладан, МПС машинасозлик заводида (завод бошлиғининг вазифасини бажарувчи Шувалов, партия ташкилотининг секретари Коробовский ўртоқлар) 6 та металл қирқувчи станок, биринчи тикув заводида (директори Асриев, партия ташкилотининг секретари Сергеев ўртоқлар) 27 та машина ўрнатилмаган.

Район партия комитетлари корхоналар фаолиятига ҳали ҳам дуруст раҳбарлик қилмаётирлар. Шунинг натижасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида жиддий камчиликлар ҳамон давом этиб келмоқда. МПС заводи, Ильич номли завод ва бошқа корхоналар бир меёрда ишламаётирлар. Шу туфайли асбоб-ускуналар ва ишчилар кўп вақт бекор туриб қолмоқдалар, маҳсулот сифати пасаймоқда, унинг таннархи ошиб кетмоқда. Шу йилнинг 5 ойи мобайнида шаҳар корхоналари бракдан 10,6 миллион сўм зарар кўрдилар, унумсиз харажатлар 7,5 миллион сўмни ташкил этди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда биринчи бўлиб Фрунзе район партия комитетининг секретари ўртоқ **В. Степовая** сўз олади.

— Район саноат корхоналари,—деди нотиқ,—1956 йилнинг биринчи ярми планини 104 процент бажардилар ва пландан ташқари 29 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари янги техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтиришга қаратилган тадбирларни белгилаш ва уларни амалга оширишга тобора кўпроқ эътибор бера бошладилар. Тошкент тўқимачилик комбинатида бу йил 12 ташкилий-техника тадбирини амалга ошириш планлаштирилган эди. Ҳозироқ булардан 11 таси амалга оширилди ва у корхонага бир неча юз минг сўм фойда келтирди. Шу билан бирга айрим корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилотлари техника прогресси масалалари билан етарли равишда шуғулланмаётирлар. «Таштекстильмаш» заводида 85 ташкилий-техника тадбири белгиланган эди. Бироқ улар қониқарсиз амалга оширилмоқда. Корхона партия ташкилоти янги техникани ўзлаштириш масаласини бир неча бор муҳокама қилди. Аммо шунинг кейин ҳам бу соҳада жиддий ўзгариш бўлмаётир.

— Бизнинг заводимиз, — деди «Ташкабель» заводининг старший мастери ўртоқ М. Ҳамидов, — узоқ вақт давомида маҳсулот турлари бўйича берилган топшириқни бажармай келар эди. Ҳозир бу соҳада аҳвол бирмунча яхшиланди. Бироқ ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар ҳамон давом этмоқда. Шунинг натижасида ўрта ҳисобда ҳар ойда мавжуд ускуналарнинг 15 процента бекор туради. Корхона партия ташкилоти цехлар ўртасидаги мусобақага юзаки раҳбарлик қилаётир.

«Автотрактородеталь» заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ **М. Якименко** ўз сўзида корхона коллективининг қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмларнинг янги хилларини ўзлаштириш соҳасида сабот билан курашаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. Кейинги вақтда корхонада 16 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Аммо, — дейди у, — камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Аввало шуни айтиш керакки, завод бир меёрда ишламаётир. Корхона махсус ва одий инструментлар билан ўз вақтида етарли миқдорда таъминланмаётир. Бу эса ишимизга жуда катта халал бермоқда.

Машинасозлик корхоналарининг техника-иқтисодий кўрсаткичларини тинмай яхшилашда қуюв цехларининг роли ғоят каттадир. Корхоналаги барча цехларнинг иши қуюв цехларининг ишига бевосита боғлиқдир. «Узбексельмаш» заводи қуюв цехининг бошлиғи ўртоқ **Ю. Иваненко** ўз сўзини мана шу масалага бағишлади.

—Биз,—дейди нотиқ,—илғари қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш планини бажаришда бир мунча қийинчиликларга дуч келар эдик. Бунга асосан қуюв цехи ишидаги камчиликлар сабаб бўлиб келди. Бу ердаги иш процесси жуда оғир бўлгани ҳолда унинг кўп қисми қўл билан бажарилар эди.

Шу йилнинг бошида цехда конвейер ўрнатилди. Бу конвейерда цехдаги энг оғир иш процесси ҳисобланган чўянни формовка қилиш иши бажарилмоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги икки баравар ошди. Ҳозир иккинчи конвейерни ўрнатиш юзасидан иш олиб борилаётир. Эритилган чўянни вагранкадан олишнинг янги методини жорий қилиш юзасидан Ўрта Осиё политехника институти илмий ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда ҳамда бошқа бир қатор тадбирлар амалга оширилаётир.

Шунингдек, ўртоқ Иваненко завод партия ташкилоти ходимларнинг техника малакасини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва конкрет экономикани ўрганиш курслари ташкил этиб, жуда яхши иш қилгани, ўқиш кадрларга ишлаб чиқаришнинг муҳим вазифаларини тўғри ҳал қилишда жуда катта ёрдам бераётганини айтди.

—Аммо бизнинг нормал ишлашимизга,—деди ўртоқ Иваненко ўз сўзини давом эттириб,—ишлаб чиқариш планларининг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Завод ҳозиргача 1956 йил учун узил-кесил тасдиқланган планни олгани йўқ. Учинчи квартал учун министрликдан уч вариантдан иборат план олдик ва унинг қайси бири юзасидан иш кўришни билмаймиз.

«Ташсельмаш» заводининг бош инженери ўртоқ **Г. Винокуров** ҳам ўз сўзини ана шу масалага бағишлади ва заводни ишлаб чиқариш планлари билан, машиналарнинг чертежларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлмаётганлиги учун шаҳар партия комитетини қаттиқ танқид қилди.

2-«Ташэлпокомаш» заводининг токари ўртоқ **Е. Андреев** ўз сўзини илғорлар тажрибасини оммалаштиришга бағишлайди.

—Биз,—деди у,—Тошкентдаги ва бошқа шаҳарлардаги корхоналарда тугилаётган янгиликлар, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан ўз вақтида хабардор бўлмаётирмиз. Чунки шаҳарда ана шу масалалар билан шуғулланадиган марказий ташкилот йўқ. Ленинград шаҳрида илғорлар тажрибасини оммалаштириш, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини пропаганда қилишда шаҳар корхоналари коллективларига шаҳар техника-пропагандаси Уйи қатта ёрдам бермоқда. Менингча, Тошкентда ҳам худди ана шундай техника-пропагандаси Уйи ташкил этиш вақти келиб етди. Бу тадбир шаҳар корхоналарининг коллективларига техникани янада тараққий эттириш соҳасидаги вазифаларни бажаришда катта ёрдам берар эди.

Карборунд заводи ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи ўртоқ **И. Ольков** саноат корхоналарига партия раҳбарлигини кучайтириш масаласига тўхталди. У, шаҳар партия комитети ҳам, Фрунзе район партия комитети ҳам ўз ишларини КПСС XX съезди қарорлари асосида тўла қайта қуриб олмаганликларини кўрсатди. Уларни корхоналарга раҳбарлик қилиш, ишчи ва инженер-техник ходимлар билан алоқани мустаҳкамлаш, ишдаги камчиликларни аниқлаш, уни бартараф қилиш ўрнига кўпроқ турли маълумотлар тўплаш ҳамда қарорлар қабул қилиш билан шуғулланиб келаётганликлари учун танқид қилди.

Актив йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилди.

Суратда: Бўстонлиқ районининг Бурчмулла қишлоғидаги Кўксув дарёси бўйида.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа сатрларда

* **Писнент** районидаги Ворошилов номли колхозда янги радио узел қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир 300 га якин колхоз аъзосининг хонадонига радио тўчкалари ўрнатилди. Шунингдек дала шийпонларида ҳам радио карнайларининг овозлари янграмоқда.

Ғ. Аҳмедов.

* **Сирдарё** районидаги Каганович номли колхоз кўчалари текисланиб, машиналарнинг юриши учун қулайлаштирилмоқда. Ҳозир «Юқори овул» маҳалласидан колхоз идорасигача бўлган 600 метрлик масофага тош ётқизилиб текисланди.

Қ. Кенжаев.

* **Верхне Волинск** район колхозларида силос иншоотлари қурилишига жиддий эътибор берилмоқда. Райондаги «Қизил Октябрь» колхозида 510 тоннадан силос сиғадиган 12 та траншея қазилди. «XIX партсъезд» колхозида эса бу йил 400 тоннадан силос сиғадиган бирнеча траншея қурилади.

У. Мамасолиев.

* **Мирзачўл** районидаги Ворошилов номли колхоз қишлоғи кишфаси йил сайин ўзгариб кўркамлашиб бормоқда. Яқинда бир тўгруҳхона, 12 хонали гараж бинолари қуриб тугалланди ва фойдаланишга топширилди.

Н. Муҳиддинов.

* **Тошкент** районидаги колхоз аъзоларига кино хизмати кун сайин яхшиланмоқда. Райондаги «III Интернационал», Жданов номли ва «Правда» колхозларининг аъзоларига «Стадионда учрашамиз», «Адмирал Ушаков» каби бир қанча бадиий ва ҳужжатли фильмлар кўрсатилди. Томошабинлар фильмларни зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

У. Амирбеков.

Чевар дўппидўзлар

Дўппи ўзбекларнинг севимли миллий кийимидир. Уни ҳатто европаликлар ҳам ҳавас билан киядилар.

Бу дўппини тикаётган чевардар кимлар?

Илгарилари дўппи тикиш билан Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Маргилон ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларда якка ҳунарманд аёллар шуғулланардилар.

Ҳозирги вақтда бу ҳунармандлар кўнгилли равишда артелларга бирлашганлар.

Ҳар бир шаҳарда тайёрланган дўппи ўзининг тикилиш санъати билан бир-биридан фарқ қилади.

Тошкентдаги Сталин номли артелнинг цехлари орасида дўппи тикиш цехи ҳам алоҳида ўрин тутади. Дўппи цехини айланар экансиз дастгоҳ ранг-баранг бўлиб товланаётган ипаклар кўзга ташланади. Булар худди: «қаранг, Ўзбекистон ранг-дор бўёқларга қандай бой-а?» деяётгандай туюлади.

Мана чуст дўпписи. Қора селонга ингичка ипак билан тикилган гуллар чеварларнинг санъатини, чидам ва матонатини намойиш қилиб турипти. Қизил, кўк, жигарранг духоба дўппиларнинг ҳар хил рангли ипаклар билан тикилган гуллари ҳам диққатингизни ўзига тортади. Хуллас, дўппи цехи маҳсулотларини кўздан кечирган киши**нинг** моҳир дўппидўзлар санъатига қойил қолмай иложи йўқ. Бу ерда цех маҳсулотини кенг намойиш қилиш мақсадида дўппилар виставкаси ҳам ташкил этилган. Шуни айтиш керакки, дўппи тикиш иши анча мураккаб. У тайёр ҳолга келгунча 7-8 кўздан ўтади. Аввалдан қўл билан бажариладиган кўпгина операциялар ҳозир машина билан бажарилмоқда. Яъни дўппидўзлар меҳнати енгилашмоқда. Артель аъзолари тайёрлаган маҳсулотнинг сотиб олувчиси ҳам, заказчиси ҳам, ҳар ким**на** ва ҳомашё билан таъминлаб турувчиси ҳам давлатнинг ўзидир. Бу артель аъзолари учун катта қулайликлар туғдирмоқда. Артелда уюшиб ишлашнинг кустарчиликдан афзал эканлиги ҳақида ҳар бир аёл мароқ билан сўзлайди. Цехнинг чевар ишчиси, 7 боланинг онаси Хайри Рихсиева бундай деди:

— Илгарилари якка ўзим дўппи тикканимда зарур материалларни топиш, тайёр бўлган дўппини сотишда катта қийинчиликларга учрардим. Булар учун кўп вақтим сарф бўлиб болаларим тарбияси билан етарли шуғулланолмас эдим. Артелга кирганимдан сўнг, шароит бутунлай ўзгарди. Ҳозир ҳар ойда ўзим дўппи тикиб сотганимдан кўра икки баравар ортиқ даромад қилмоқдаман. Материал излаш ва тайёр дўппини бозорда сотиш каби оворагарчиликлар ўрнига болаларим тарбиясига, уй ишларига қарайман. Менга эргашиб маҳалламиздаги кўпгина аёллар ҳам артелга кирмоқда.

Артель маъмурияти ишчиларнинг моддий ва маданий эҳтиёжлари тўғрисида ҳам яхши ғамхўрлик қилади. Ҳар йили артель аъзоларидан кўплаб киши Ялтэ, Кисловодск, Есентуки ва Ўзбекистон дам олиш уйларига бориб ҳордиқ чиқаради, соғлигини мустаҳкамлаб қайтади. Шуни айтиш керакки, дам олиш уйи ва санаторийлар путевкасининг 70 процент пули артель ҳисобидан тўланади. 4-5 болали бева аёлларга эса путевка бепул берилади.

Артель клуби ҳузурида балиий ҳаваскорлар тўгараги ташкил қилинган. Бу тўгаракка таланти хотин-қизлар актив иштирок этадилар. Кечагина шогирд бўлиб ишга келган М. Баратова, П. Шаритохунова, Ҳ. Қурбонова, Р. Умаровалар дутор, рубоб чалиб, қўшиқлар айтиб, артель коллективи ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Бундан ташқари, янги фильм ва спектакларни коллектив равишда бориб кўриб туриш артелда одат тусига кириб қолган.

Цехнинг илғор методлари билан танишиш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида артелга меҳмонлар келиб туради. Яқинда Қирғизистондаги «Қирғизистон ССР 30 йиллиги» бош-кийимлар тайёрлаш фабрикаси ишчиларидан бир группаси келиб, бу ердаги дўппидўзларнинг иши билан танишди. Шу билан бирга цех ишчилари ана шу мақсада Москва, Ленинград, Рига, Киев, Минск шаҳарларига борадилар.

Бир вақтлар якка кустарликда ишлаган ўзбек хотин-қизлари ҳозир кўп кишилик йирик артелларга уюшиб унумли меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз меҳнатларининг самарасидан хурсандирлар.

Т. ОБИДОВ.

Санъат усталарининг гастроллари

Шу йил июль-август ойларида Ўзбекистон санъат усталари республикамизнинг областларига гастролга жўнайдилар. О. Имомхўжаев бошчилигидаги группа Самарқандда, Ғ. Абдурахмонов раҳбарлигидаги труппа Фарғонада, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Ҳасанов раҳбарлигидаги группа Сурхондарё ва Бухоро областларида концертлар беради. Тошкент ва Самарқанда М. Ҳамидов бошчилигида «Бу куйларнинг шуҳрати ўлмас» деган темада адабий музикали композиция ижро этилади.

Июль-август ойларида Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидаги санъат усталари Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келадилар ва республика меҳнаткашларини ўзларининг ашула ҳамда рақслари билан таништирадилар. Масалан, Ленинград эстрадасининг Галацер ва Карповский-лар бошчилигидаги артистлари «Эътибор беринг» деган программа билан Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё областларида, Сокольский раҳбарлигидаги Новгород филармонияси артистлари Тошкентда, Москва темир йўлчилар маданият саройининг эстрада-акробатчилар ансамбли Самарқанд, Фарғона каби шаҳарларда, Москва эстрадасининг «Синяя птичка» ансамбли, Алла Смирнова бошчилигидаги эстрада артистлари республикамизнинг кўпгина шаҳарларида гастроль концертлари берадилар. Булардан ташқари қардош Украина ва Белоруссия ССР ашула ва рақс ансамбли июль-августда Ўзбекистонда бўладилар.

Ўзбек давлат эстрадасининг бригадаси РСФСРда шунингдек Иттифоқимизнинг катта-катта шаҳарларида концертлар беради. Козловский раҳбарлигидаги Ўзбекистон Давлат филармонияси 5 июлдан 25 августгача Москвада бўлади.

Валенков раҳбарлигидаги республика хор капелласи Чимкент, Жамбул, Барнаул Семипалатинск ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўз гастролларини Кемеровада тугаллайди.

З. АБДУЛЛАЕВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Сатирик асарлар тўплами ҳақида

Эски жамиятдан ўтиб қолган иллатларни, қолоқ кишилар онгидаги сарқитларни, тараққиётимизга халал берувчи ёмон нарсаларни танқид қилувчи, уларни «сатира супургиси, юмор шчеткаси» (В. Маяковский) билан супуриб ташловчи қаҳвий асарларни тўплаб, китоб қилиб нашр этиб бориш республикамиз адабий ҳаётида традицияга айланиб бормоқда.

Ўтган йили нашр этилган «Таниш башаралар»[1] деган сатира ва юмор тўпламидан ҳам ана шундай китобларнинг биридир.

Ғафур Ғуломнинг «Тирилган мурда», Абдулла Қаҳҳорнинг «Мирзо», «Майиз емаган хотин», «Йиллар» каби бир неча асарларини ҳисобга олмаганда тўпламга киритилган асарлар асосан, сўнгги 4-5 йил ичида яратилгандир. Унда ўзбек совет сатирасида соҳасида деярли барча жанрлар бўйича сатирик ва юмористик ҳикоялар, пьесалар, сатирик шеърлар, фельетонлар, масаллар, ниҳоят, аскиялан берилган намуналар бор.

Сатирик ва юмористик ҳикоялар орасида Асқад Мухтоннинг «Лаббай, чойми?», Собир Абдулланинг «Ўртоқ Ҳолназаров», М. Муҳамедовнинг «Хушторлар», Сами Абдуқаҳҳорнинг «Томошада томоша», «Сарқит», Саида Зуниунованинг «Гулбаҳор», Матлуба Иелоюванинг «Изза» ҳикоялари дуруст ёзилган асарлардир. Улар қўйилган мақсатнинг конкретлиги, бадиий таъсир кучига эга эканлиги, иллатларга қарши қаратилган сатира тигининг яқдол кўриниб туриши билан диққатни тортади. Бу ҳикояларда эсда қоладиган бир қанча жонли, ҳаётий сатирик образлар чизилган.

Тўпламда китобни тўпловчи Аббос Муҳиддиннинг ҳам ҳикоялари жой олган. Аббос Муҳиддин ўз қаламкаш тенгдошлари ичида анча сермаҳсул. Хилма-хил замонавий темаларда сатирик ва юмористик асарлар ёзувчи ёш санъаткорлардандир. Лекин сон учун курашиш баравари сифат учун ҳам кураш ҳар бир ёзувчининг айни муддаоси бўлиши лозим.

Аббос Муҳиддин ҳикояларидан шу нарса кўринадики, у, ижодий изланишлардан, асар устида чидам билан машаққатли меҳнат қилишдан — ижодиёт заҳматидан қочади. Унинг ҳикоялари юзаки ва примитив ситуациялар асосига қурилган, майда-чуйда воқиалардан ташкил топган асарлар бўлиб қолади. Масалан, «Кечирасиз» ҳикоясида автор икки гапнинг бирида ўзи севган сўзини такрорловчи — ҳадеб «кечирасиз» деб меҳмонга тегувчи кишининг сатирик образини чизмоқчи бўлган. Бу тема гарчи, майда бўлса-да, унинг асосида эсда қоладиган салбий характер яратиш мумкин эди: бунинг учун тасвирланаётган воқиа ва ҳодисаларни саралаш, умумлаштириш, бўртириш ва ниҳоят, типиклаштириш керак эди. Автор эса бундай қилиш ўрнига қаҳрамонни гапиртириб қўйиб, уни ҳадеб «кечирасиз» сўзини такрорлашга мажбур қила берган. Ҳикояда Матжон образининг қатто схемаси ҳам йўқ.

«Ёмон касал» ҳикоясини ҳам дуруст асар дейиш қийин. Чунки бунда ҳам китобхон ишонадиган, таъсирланадиган тасвир йўқ. Бир-биридан ажралиб қолган икки ўқувчи боланинг «яраштирилиши» ҳаётийликлан узоқ.

Аббос Муҳиддин кўпинча йирик санъаткорларга тақлид қилади. Буни авторнинг «Характеристика» ва «Мавсума» деган ҳикоялари очиқ кўрсатади.

Автор «Характеристика» ҳикояси тагига «А. П. Чехов ҳикоясига ўхшатма» деб ёзиб қўйганлиги учун бу ҳақда гапириб ўтирмай. Унинг «Мавсума» номли ҳикоясини кўздан кечира қолайлик.

Агарда адабиётимизда худди шу ҳикоядаги Мавсума каби салбий қаҳрамонларга эга бўлган ёллар образлари яратилмаганида, айниқса турдош отга айланиб боравётган Сурмахон образи бўлмаганида буни яхшигина асар деса бўлар эди. Айни шу ҳолида «Мавсума» — қуруқ асар Мавсумаининг олифтагарчилиги, кеккайиши, ининг хил турланиб кийиниши — пардозлаши ва сифатида гавдалантирса, унинг тутуғ жанр хусусиятлари нуқтаи-назаридан ёпдошиб бўлмайди. Тўғри, бу бўлимга киритилган ҳар икки асар «Қўнгироқ» (М. Бобоев), «Мулзам» (М. Муҳамедов) ҳам сатирик асарларнинг бошқа формаси — сатирик ҳикоя ёки фельетон сифатида ёмон асарлар эмас. Бироқ китобнинг тўпловчиси ҳам, редактори ҳам бу асарларнинг ўз исми-жисмига яраша кийим бичмаганлар: уларга тикилган кийим катталиги учун ҳам ёпишмай, ҳалиқироб қолган.

«Памфлетлар» бўлимига Ғафур Ғуломнинг юқоридаги асари киритилмаганлиги эса ажабланарли ва бу жанрнинг хусусиятита мутлақо риоя қилинмаганлигини янада очиқ-ойдин тасдиқлайди.

Баҳром Раҳмоновнинг «Узи бошқа — сўзи бошқа» деган бир пардали комедиясидаги Темир образида жамоатчилик ўртасида сўзда хотин-қизлар ҳуқуқини ёқловчи, амалда эса уларнинг ҳуқуқини поймол этувчиларнинг типи чизилган.

Сатирик шеърлардан Собир Абдулланинг «Ўрта келинг» асари сатирик умумлаштирма кучига эга бўлган яхши асардир. Бунда автор тўралашган раҳбар ходимларнинг сатирик типини чизиб берган.

Собир Абдулланинг «Намасан?», Зокир Ҳабибийнинг «Мен», «Шов-шув», Аҳмад Бобожоннинг «Дастингдан» сатирик шеърлари ҳам муваффақиятли чиққан.

Тўпламда шеърий фельетонлар учун алоҳида бўлим очилган. Бунда китобхонлар Толиб Йўлдош, Назармат, Шотурсун Ғуломов. Ўткир Рашид каби авторларнинг шеърий фельетонлари билан танишдилар.

Тўпламга, негадир, насрий фельетонлар киритилмаган. Ваҳоланки, фельетонлар жанри сафидан биринчи навбатда шу характердаги асарлар ўрин олиши лозим эди.

Тўпловчи ва редактор китобда фельетонлар учун алоҳида бўлим ажратмаганликлари сабабли бўлса керак, тўпламни бошлаб берувчи Ғафур Ғуломнинг «Мард майдонга чиқсин» номли фельетони қайси жанрга мансуб эканлиги ҳам кўрсатилмаган. Бу асар, унда авторнинг ўзи томонидан илгари қўлланилган баъзи образли ифодаларнинг такрорланиши каби нуқсонни ҳисобга олмаганда, маҳорат билан ёзилган. Унда жамоат ишидан ўзининг шахсий ишини устун қўювчи бир қатор сатирик образлар чизилган.

Совет сатираси зиммасига тушган вазифаларни бажаришда унинг масал формаси ҳам катта роль ўйнайди. Маълумки, масалда одамлар билан бир қаторда, ҳайвонлар, қушлар, дарахтлар-ўсимликлар, машиналар ҳамда нарса ва буюмлар қатнашади. Масалдаги бундай аллегорик образ ва ифодалар унда олга сурилувчи мақсад-фикрни умумлаштириш, таъсирли баён этиш учун хизмат қилади.

Масал жанри сўнгги йилларда айниқса сезиларли даражада тараққий этмоқда.

«Таниш башаралар» тўпламидан Пўлат Мўмин, Аҳмал Бобожон, Сами Абдуқаҳҳор каби авторларнинг масалларидан ташқари, Толиб Йўлдош, Шотурсун Ғуломов, Миразиз Миртожиев, Олим Қўчқорбеков сингари ёш авторларнинг ҳам анчагина масаллари ўрин олган.

Аҳмал Бобожоннинг «Булбулнинг достони» масали ихчамлиги, тилининг бадиий соддалиги, танқид объектининг аниқлиги ва ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Автор бунда ёзувчилар союзининг секциялари йиғилишларида, хусусан, бирон-бир асарни муҳокама қилишда баъзан учрайдиган камчиликларни танқид қилади. Ҳақиқатан ҳам автор масалнинг ҳиссасида — хулосасида айтганидек:

Баъзан асар устида
Кўп мажлис тузилар.
Ҳар гал ҳар хил гапириб
Асарни бузадилар.

Тўпламдаги ёш авторларнинг масаллари орасида ҳам яхшитина ёзилганлари йўқ эмас. Лекин уларнинг кўпчилигида умумий баён-қисса қисми билан хулоса чиқарилган ҳисса орасида мутаносиблик, бир-бирини тўлириш, мослик етишмайди. Жумладан, О. Қўчқорбековнинг «Орсиз юмроқсиқ». Миразиз Миртожиевнинг «Тикон», «Рақиблик» масалларини кўрсатиш мумкин.

Толиб Йўлдошнинг «Тол билан терак» масалида ҳам юқоридаги камчилик мавжудлигидан ташқари унда олинган тол ва терак образлари жамиятга фойда келтирмовчи кишиларнинг аллегорик образлари бўла олмаган. Автор хулосада ёзади:

Турмушда савлат тўккан, —
Мақтончоқлар не керак.
Ўтин бўлар, гози йўқ —
Меваси толу терак.

Кейинги икки мисрадаги маъно бир томонлама, юзаки: яъни автор тол ва теракнинг боғдорчилик ва уй-жой қурилишидаги муҳим ўрнини, зарурлисини ҳисобга олмаган.

Сўнгги йилларда яратилаётган масалларнинг деярли барчасида ҳаммага маълум бўлган бир хил қуш ва ҳайвонлар қаҳрамон сифатида такрорлана беради. Негадир масалларга ҳайвон, қуш ва ўсимликлар билан бир қаторда, кишиларнинг образини яратмайдилар, уларда янги техника — хилма-хил машиналарга ёмон муносабатда бўлувчи қолоқ кишиларни фош этувчи ижобий образлар камдан-кам кўринади.

Иккинчи энг муҳим камчилик шуки, масаллардаги ҳайвон ва қушлар қатъий, конкрет ва ёрқин характер қилиб яратилмайди. Шунга кўра бирон масалдаги эчкини қўй деб, ёки аксинча ўзгартирган билан мазмунга, характерга ҳалал етмайди.

Агарда биз энг яхши масалларга, айниқса, машҳур рус масалчиси Криловнинг масалларига шу жиҳатдан назар ташласак улардаги бирор ҳайвон ёки қушларни иккинчиси билан алмаштириш мумкин эмаслигини кўрамиз: бўри ва тулки образларида маълум конкрет бир характерни мукаммал кўрсак, кавку ва хўроз образларида бошқа ёрқин характерларни кўрамиз.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида ҳажвий асарлардан аския ғоят кенг тарқалган энг халқчил формалардан бири. Бу жанр ҳаётдаги, ҳаётдаги, курашдаги ўзаро тўқнашувларда дуч келувчи ёмон, зарарли нарсаларни ҳозир жавоблик билан ҳажв қилишнинг ёрқин намунасидир. Бу жанр ҳозирги кунда ҳам ҳаётимизда, халқ орасида кенг тарқалган.

Бироқ китобдаги биргина «Парранда пайров» аскиянинг чинакам намунаси бўлишдан жуда узоқда. Унда аскияга хос қолоқ кишиларнинг ҳаётидаги камчиликларни чуқур маъноли сўз ўйинларида, ўткир қочириқ гапларда ниҳоятла моҳирлик билан фош этиш, чуқур мазмунли кулги билан масхаралаш, саваланган асар ҳам йўқ. Ундаги гап-сўзларнинг ҳаммаси юлик, айтилмоқчи бўлган мақсадни, танқид йўналишини билиб олиш яшкул.

Тўпловчи ва редактор масалага жиддий қараганларида аскиянинг яхши намуналарини топишлари мумкин эди.

Умуман олиб қараганда «Таниш башаралар» сатирик асарлар тўплами сўнгги йилларда сатирамиз бир қадар ривожланиб боравётганини кўрсатувчи, бу соҳадаги айрим муваффақиятларимизга гувоҳлик қила олувчи тўплам эканлиги билан аҳамиятлидир.

Б. ИМОМОВ.

[1] «Таниш башаралар», Сатира ва юмор тўплами. Тўпловчи Аббос Муҳиддин. Редактор Ҳамид Ғулом. Тошкент — 1955 йил.

Барча колхоз ва совхозларда ғўзаларни юқори сифатли парвариш қилайлик!

☆ ☆ ☆

Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Ф. Дўсбеков бошлиқ бригадасининг аъзолари ҳосилга ҳосил қўшиш ойлигининг ҳар бир кунидан тўғри фойдаланиб, ғўзага ишлов беришни кучайтирмоқдалар. Суратда: ўртоқ Ф. Дўсбеков.

Г. Пун фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғўза парваришига эътибор кучайтирилсин

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбиридан:

Оҳангарон районидаги пахтакор колхозларда ғўза қатор ораларини ишлаш, суғориш ва озиқлантириш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Мавжуд ишчи кучларидан, механизациядан тўла ва унумли фойдаланилмаётир, меҳнат тўғри ташкил этилмаган, интизом ҳаддан ташқари бўш. Шунинг учун ҳам колхозларда иккинчи культивация, биринчи озиқлантириш ҳалигача тугалланган эмас. Ғўзаларни кўндалангига культивация қилиш планининг бажарилиши эса талабга мутлақо жавоб бермайди.

Калинин номли колхоз (раиси Иброҳим Нишонов, партия ташкилотининг секретари Абубакир Абдуллаев ўртоқлар) бу йил 152 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 19 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Колхозда механизация, ишчи кучлари етарли. Аммо интизом бўшашиб, меҳнат унуми ва иш сифати ҳаддан ташқари пасайиб кетган. Бригада ва звено бошлиқлари, колхоз раҳбарларининг ўз вазифаларига ўтакетган даражада масъулиятсизлик билан қараётганликлари натижасида гектар тўпалиги учун курашилмаган. Ўртоқ Маннон Йўлдошев бошлиқ бригаданинг 9 гектар ерида ғўза 40-50 процент сийрак. Айрим эгатларда эса ҳатто 10 метр масофада ҳам бирор туп ғўзани учратмайсиз. Суғоришдан кейин культивация ишлари кечикиб ўтказилаётганлиги сабабли эгатлардаги кесаклар палахса-палахса кўчиб кетган. Суғориш билан культивация ишлари бир-бирига тўғри боғлаб олиб борилмаётир. Суғориш тўғри уюштирилмагани учун кўндалик суғорилаётган майдон универсалларнинг унумли ишлашини таъмин этмаётир. Масалан, Бойна Номозов бошлиқ звенода биз ғўзани культивация қилаётган универсалчи ўртоқ З. Алимов билан учрашганимизда унинг кунига фақат 4-5 гектар ерда ғўза қатор ораларини ишлаётганлиги маълум бўлди. Ҳолбуки ўртоқ Алимовнинг гапига қараганда кунига 10 гектар ерда ғўзани культивация қилиш мумкин.

Колхозда сувчилар иши тўғри уюштирилиб, яхлит майдонлар бир йўла сувдан чиқарилмаётир. Шунинг учун универсаллар унумсиз ишлатилиб, ҳатто айрим кунларда бекор ҳам туриб қолаётир. Масалан, 24 июндан 29 июнгача колхозда универсаллар бир гектар ерни ҳам культивация қилмай бекор турган.

Колхозда меҳнат интизоми ҳам бўшашиб кетган. Айрим колхозчилар хоҳлаган вақтларида ишга чиқиб, хоҳлаган вақтларида уйларига қайтиб кетадиган бўлиб қолганлар. Колхоз раҳбарлари ва бригада бошлиқлари талабчанлик ва контроликни бўшаштириб юборганлигидан фойдаланган кетмончилардан Самар Усмонова, Қумри Аҳмедова ва бошқалар соат 12 бўлмасданоқ далада кўринмай қоладилар. Шунинг учун кетмон чопиғи ва бегона ўтларни йўқотиш, суғориш ишлари ўз вақтида сифатли ўтказилмаётир.

Бойна Номозов бошлиқ звенонинг 13 гектар, Нишонбой Ёрқулов бошлиқ звенонинг 4 гектар еридаги ғўзалари бегона ўтлар ичида қолиб кетган. Ўз вақтида суғорилмаган ғўзалар чанқаб, нормал ривожланишдан қолмоқда. Аммо бундай ярамас аҳвол колхоз правлениеси аъзоларини асло ташвишлантирмаётир. Агроном ўртоқ Маликов эса йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф қилиш ўрнига кўнгилчанглик қилмоқда. У, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш кўрмоқда.

Бу камчиликларнинг муҳим сабабларидан бири шуки, колхозда оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Кўпчилик бригадаларда социалистик мусобақага мутлақо аҳамият берилмаётир. Дала шийпонлари жиҳозланмаган. Колхозчиларга маданий дам олиш учун шароит яратиб берилмаган. Иссиқ овқат тайёрланмайди. Натижада механизаторлар ва колхозчилар 1,5-2 километр узоқ жойларга бориб овқатланиб келадилар.

Куйбишев номли колхозда ҳам мавжуд механизациядан тўла ва унумли фойдаланилмаётир. Бу, ғўза парваришининг ниҳоят даражада суст олиб борилишига сабаб бўлмоқда. Ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш графиги бажарилмаган, иккинчи культивация, биринчи озиқлантириш ҳам тугалланмаган. Колхоз ва МТС раҳбарлари талабчанлик ва контроликни бўшаштириб юборганлар. Амалий раҳбарлик ўрнига қуруқ гап сотадиган бўлиб қолганлар. Универсалчилар ишидан ўз вақтида хабар олмайдилар, уларга қулай иш шароити яратиб бермаганлар. Ана шунинг учун ҳам универсалчилардан Раҳим Каримов, Комол Йўлдошев, Ботир Расулев ўртоқлар культивацияни сифатсиз ўтказиб, ғўзаларнинг қирқилиб кетишига йўл қўймоқдалар. Иш суръати ғоят паст. Ўртоқ Комол Йўлдошев ўн кунда 30 гектар ердаги ғўзани культивация қилган, холос.

Ўртоқ Ғани Эргашев бошлиқ бригаданинг 30 гектар еридаги ғўзаси механизация асосида ягана қилиниб квадрат ҳосил қилинган эди. Ана шу ерда кўндаланг культивация энди бир марта ўтказилди. Бригаданинг Қумри Расулева бошлиқ звеносидаги 12 гектар ерда квадрат ҳосил қилиш вақтида шошмашошарликка йўл қўйилганлиги сабабли бир гектардан ортиқ ғўза нобуд бўлган.

Шуниси ачинарлики, эркаклар ғўза парваришига жалб этилмасдан иккинчи даражали ишларни қилиб юрибилар. Қайси бригаданинг пахта даласига борманг, кетмон чопаётган эркакларни жуда кам учратасиз. Бригадаларда тоғни урса талқон қиладиган йигитлар табельчи, чой қайнатувчи каби вазифаларда ишламоқдалар.

Шундай қилиб, Оҳангарон районидаги колхозларда ғўза парвариши тўғри уюштирилмаганлиги учун кўпгина майдонларда ғўзалар ўсишдан, ривожланишдан кейинда қолиб, мўл ҳосил етиштириш хавф остида турибди. Ҳосилнинг тақдири ҳал этилаётган шу кунларда ғўза парваришида кескин бурилиш қилинмаса, ғоят кўнгилсиз оқибатлар рўй бериши турган гап.

Район раҳбарлари колхозларда ғўза парвариши ниҳоят даражада кечиктириб юборилаётганлигидан тўғри хулоса чиқариб, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тўғрисидаги қарорида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун колхозчилар ва МТС ходимларини сафарбар этишлари керак.

Оржоникидзе районидаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Матлуба Ғуломова бошлиқ звеносининг аъзолари бу йил ҳар гектардан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашиб, ғўзани 3 марта комплекс парваришдан чиқардилар. Суратда: звено бошлиғи ўртоқ Матлуба Ғуломова.

Қ. Розиқов фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғўза сифатли парвариш қилинаётир

Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг ўртоқ Рихси Абдуваитова бошлиқ бригада аъзолари 48 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар ўз устларига олган мажбуриятларини ортиғи билан бажариш учун курашиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Барча пахта майдонларидаги ғўзалар уч марта комплекс парваришдан чиқарилди. Ҳозир ғўзаларнинг тўртинчи чопиқ, тўртинчи культивацияси қилинмоқда. Бригаданинг Р. Собирова, А. Жўмақулова ва М. Қушонова сингари илғор чопиқчилари кунлик нормаларини 1,5-2 ҳисса бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Райондаги Ленин номли колхозда ҳам ғўза парвариши юқори агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчиси ўртоқ Қодирқул Сидиқбоев бошлиқ бригада аъзоларининг меҳнатга эришаётган самаралари ютуқлари кишини қувонтиради. Улар 67,5 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Ғўзалар 2 марта чопиқ, 3 марта культивация қилиниб, 2 марта сифатли озиқлантирилди.

С. МУМИНОВ,
Ш. ДУЙСЕНОВ.

40 центнердан ҳосил олинади

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари бу йил 1200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Улар бу мажбуриятларини муваффақиятли бажариш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Айниқса А. Шўлатов, Т. Назаров ва Н. Соатов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўзалар намунали парвариш қилинаётганлиги сабабли ёшпасига гуллади ва кўсаклай бошлади.

Т. ХАЙДАРОВ.

Сабзавот экинларини сифатли парвариш қилайлик

Октябрь районидаги Калинин номли колхоз аъзолари Янгийўл шаҳар меҳнаткашларини, шунингдек шаҳардаги консерва заводини картошка ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун курашишлари керак. Ана шунга яхши тушунган колхознинг коммунист ўртоқ К. Ҳайдаров бошлиқ бригада аъзолари барча майдонлардаги сабзавот экинларини 4 марта культивациядан, 4 марта чопиқдан чиқардилар. Озиқлантириш ва суғориш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бригада аъзолари бу йил гектаридан 30 тоннадан помидор, 20 тоннадан картошка, 30 тоннадан бақлажон, 60 тоннадан кабачки ҳосили етиштириш учун аҳд қилганлар. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида ҳозиргача Янгийўл консерва заводига 37 тонна кабачки ва бодринг топширдилар. Шаҳар меҳнаткашларига 11 тонна бодринг ва сабзи-пиёз жўнатдилар. Сабзавотчиликдан юқори ҳосил етиштиришда Мирзаахмад ота Пирматов, Одилжон Омилов, Қ. Абдурахмонова каби ўртоқлар бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаётирлар.

Афсуски, колхознинг ҳамма сабзавотчилик бригадаларида ҳам иш бир хидда, яхши ташкил этилган, деб бўлмайди. Кўпгина бригадаларда меҳнат интизоми бузилган. Ишчи кучларидан ва механизациядан тўғри фойдаланилмаётир. Шунинг учун ҳам суғориш, культивация ва чопиқ қилиш ишлари ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Парваришсиз қолаётган сабзавот экинлари ўсишдан қолиб, нормал ривожланмаётир. Бу бригадаларда олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш хавф остида қолмоқда. Бунга колхознинг ўртоқ Абдухўжаев бошлиқ бригадасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар яққол мисол бўла олади.

Бригада аъзолари ўтган йилги йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олмадилар. Сабзавот экинларини парвариш қилишда бу йил ҳам қатор нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Ўз вақтида культивация ва чопиқ қилинмаганлиги учун бригаданинг 10 гектар ердаги сабзавот экинлари ўт ичида ҳосилдан қолмоқда. Икки гектар ердаги лавлагини зарпечак қоплаб олган. 6 гектарга яқин помидор ва пиёз экинлари ҳам худди ана шу аҳволда. Мана шу нуқсонларнинг ҳаммаси бригадада сабзавот экинларининг парваришини ҳаддан ташқари кечикаётганлигига ва сифатсиз ўтказилаётганлигига сабаб бўлмоқда. Бундай аҳвол колхознинг ўртоқ Ҳолдоров бошлиқ бригадасида ҳам давом этмоқда.

Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилотининг раҳбарлари бу бригадаларда йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф қилиш чоралларини кўришлари, шаҳар меҳнаткашларининг сабзавот маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари керак.

А. ЖАЛОЛОВ.

Чўчқачиликни ривожлантирайлик

Чўчқачиликни ривожлантириш гўшт етиштиришда катта аҳамиятга эга. Чунки чўчқа чорвачиликнинг энг тез етиладиган соҳасидир. Чўчқа озуқа танламайдиган ҳайвондир. Чўчқачиликни ривожлантиришда ва унинг маҳсулотларини ошириш да озиқ-овқат саноати, дон омборларидан ҳамда ошхона ва ресторанлардан чиқадиган чиқиндилар катта аҳамиятга эга. бу озуқалар чўчқалардан кўплаб гўшт резервларини олиш имкониятини беради.

Айниқса дон ва сабзавот экиладиган колхозларда кўплаб дон чиқиндилари ва майда картошкалар топилади. Бу озуқаларни чўчқалар жуда севиб ейдилар.

Чўчқаларни қишда ҳам семиз ва соғлом боқиш учун қанд, хашаки давлаги, шолғом, қовоқ ҳамда ёввойи тарвузни кўплаб экиш ва майда картошкадан етарли гамлаб қўйиш лозим. Шунингдек маккажўхори экишни ҳам кўпайтириш керак.

Чўчқа тез урчийди. Бир чўчқа бир йилда 16-24 ва ундан ошириб бола беради.

Гўшт етиштиришда чўчқачиликни ривожлантириш катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунган илғор колхозлар сўнгги вақтларда чўчқачиликни ривожлантиришга аъзоларни кучайтирадилар. Қорасув районидаги Свердлов номли, Мирзачўл районидаги «Октябрь», Оржоникидзе, Калинин районларидаги бир қатор колхозлар шулар жумласидандир.

Калинин районидаги Ворошилов номли колхоз чорвадорлари ўтган йили 23 бош чўчқа боқиб, давлатга 3344 килограмм гўшт топширишга муваффақ бўлдилар. Давлат мажбуриятига топширилган ана шу 3344 килограмм чўчқа гўшти 4894 килограмм гўшт ҳисобига қабул этилди. Бу колхоз топшириши лозим бўлган гўштнинг 30 процентидан кўпроғини ташкил этди. Ўтган йили чўчқачиликдан катта даромад олинганини ҳисобга олган колхоз чорвадорлари бу йил 80 бош чўчқа боласини боқишга қўйдилар. Бу йил улар давлат мажбуриятига фақат чўчқа гўшти топширишни ҳамда бозорларда чўчқа гўшти сотишни мўлжалламоқдалар.

Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз ҳам мажбуриятга 1500 килограмм чўчқа гўшти топширди, районнинг Ворошилов номли колхозида эса 500 килограмм гўшт топширилиб, 50 та чўчқа боласи боқишга қўйилди. Шунингдек «III Интернационал», Ленин номли колхозларда ҳам чўчқачиликка алоҳида эътибор берилмоқда.

Областимизда чўчқачиликни янада ривожлантириш мақсадида яқинда БҚХВга 48 кишидан иборат экскурсиячилар группаси жўнаб кетди. Группага Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз чўчқачилик фермасининг мудири ўртоқ Ғаффор Юнусов бошчилик қилади. Шунингдек шу райондаги «III Интернационал» колхозининг ферма мудири Пак Григорий ва чўчқабоқар Елизавета Мун, Энгельс номли колхознинг чўчқабоқари М. Работкина, Ворошилов номли колхоз чўчқабоқари И. Степуренко ўртоқлар ҳам выставкага жўнадилар.

Ф. ЗАБЕЛИН.

Бизга ёзадилар

ЧИНОЗ. Оржоникидзе номли колхоз чорвадорлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлган маккажўхори етиштиришга алоҳида эътибор бераётирлар. Улар 23 гектар ердаги квадрат-уялаб экилган маккажўхорини 3 марта узунасига ва кўндалангига культивация қилдилар, бир марта озиқлантириб, икки марта қондириб суғорилдар.

Маккажўхори парваришида универсалчилардан Я. Мардиев, А. Бўриев ўртоқлар намунали ишлаб, кунлик нормаларини 1,5-2 ҳиссага етказиб адо этаётирлар.

Шунингдек Ленин номли колхоз чорвадорлари ўтган йили 125 гектар беданинг ҳар гектаридан 160 центнердан ҳосил олиб, бу йил БҚХВга қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Улар қўлга киритилган ана шу муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бу йил ҳар гектаридан элинадиган беданн 200 центнерга етказиш учун курашаётирлар.

Колхознинг ем-хашак тайёрлаш бригадаси беданн илғор агротехника талаблари асосида сифатли парвариш қилиб, 90 гектар ерда иккинчи ўримни тугалладилар. Беда ўришда ўроқчилардан Б. Тошпўлатов, К. Нуримов ўртоқлар алоҳида ташаббус билан ишлаб кунига 3-4 гектардаги беданн ўраётирлар.

Колхоз правлениеси сотиб олган ХТЗ—7 маркали янги трактор билан кунига кўплаб ердаги беда ўриб олинмоқда.

И. Ортиқов,
С. Ҳамроев.

* * *

ҚОРАСУВ. Ўртоқ Маҳкам Орипов бошлиқ бригада Калинин номли колхозининг илғор бригадаларидан бири ҳисобланади. Бригада аъзолари шаҳар меҳнаткашларини картошка ва сабзавот маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилиб, 1 гектар эртаги қарамдан 15 тонна ўрнига 20 тонна қарам ва гектаридан 6,5 тонна бодринг етказиб бердилар.

Бригада сабзавотчилари эртаги картошка, пиёз ҳамда лавлагидан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

С. Муҳиддинов.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Кўчамиз қачонгача қаровсиз ётади"

Газетамизнинг 6 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида Тойир ота Тошмуҳамедовнинг редакцияга ёзган хати босилиб чиққан эди. Хатда Октябрь районидаги Хуррият кўчаси 1955 йилдан бери бузилиб ётгани кўрсатилган эди.

Тошкент шаҳар Ободончилик Бошқармаси бошлиғи ўртоқ Комиловнинг редакциямизга хабар қилишича, текширишда газетада келтирилган фактлар исботланган ва Хуррият кўчасининг машиналар қатнайдиган қисми июнь ойида асфальтланган.

Механизаторларга ёрдам

Культиватор янги иш органларини синовдан пухта ўтказайлик

Ғўза парваришининг ҳал этувчи даври бошланди. Эндиликда ҳосилнинг тақдири қатор ораларини ишлаш сифатига боғлиқ. Маълумки пахтачиликда ғўзани квадрат-уялаб ва тор қаторлаб ўстиришга ўтилиши билан бирга қатор ораларини машиналар билан ишлаш системасида ҳам катта силжишлар бўлди. Қатор ораларини машиналар билан ишлаш даражаси ҳамда унинг сифатига нисбатан бўлган талаб ошди. Лекин шунга қарамасдан культиваторларнинг ҳозирги вақтга қадар қўлланиб келинаётган иш органлари ҳамда уларни қатор оралари кенглигига қараб ўрнатиш усуллари деярли ўзгармасдан қолаётир.

Суғориладиган пахтачилик районларида ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлашда осма культиваторлардан, 60Х45 схема билан ўстирилаётган ғўза қатор ораларини ишлашга мосланган НКУ 2, 4-2,7 культиваторларидан ҳамда 50 сантиметрлик қатор ораларини ишлаш учун НК-3,0 культиваторларидан фойдаланилиб келинмоқда.

Бу культиваторлар пичоқ, учли қанжа, юмшатгич панжа каби бир қанча тип иш органлари билан таъмин этилган. Бу иш органлари ғўзани ягана қилиш, бегона ўтларни тарашлаш, суғоришдан кейин қатор ораларини юмшатишга хизмат қилади. Культиватор иш органлари комплектига ҳар хил типдаги 49 та деталь киради.

Маълумки культиваторларнинг бу иш органлари ҳеч бир ўзгартирилмасдан ёки яхшиланмасдан 1935 йилдан буён пахтачиликда ишлатилиб келинмоқда. Ҳолбуки 20 йиллик давр давомида пахтачилик агротехника системасида ва унинг механизациясида жуда кўп жиддий ўзгаришлар бўлди. Қатор ораларини ишлайдиган қуролларга нисбатан агротехник талаблар ошди. Шунинг учун ҳозирги вақтда ишлатилаётган культиватор иш органлари бир қатор жиддий камчиликларга эгадир.

Биринчи навбатда бу иш органлари қатор ораларида тупроқни ғўза илдизларининг жойланиши профилига мувофиқ юмшатишни таъмин этмайди. Белгиланган профилни ҳосил қилиш учун айрим ҳолларда иш органлари ўзгартирилиб турилади. Лекин бунда культивациялаш вақтида иш органлари бир-бирига нисбатан силжиш ҳосил қилиб, кўпинча белгиланган профиль ва бутун юмшатиш процесси бузилади.

Ишланилаётган қатор ораларда пуштачалар ҳосил бўлади. Тупроқ яхши юмшамай катта кесак кўпаяди, остки нам қаватга ағдарилиб ер бетига чиқиб қолади. Натижада қатор оралари нотекис бўлиб тупроқдаги нам зўр бериб бугланади. Бу эса ғўзани тез-тез суғоришга ва культивация қилиб туришга олиб келади.

Культиваторда бир нечта стойкалар ва иш органлари бўлиши фақат уларни созлашнигина эмас, балки қатор ораларини ишлашни ҳам анча мураккаблаштиради. Қатор оралари кенглиги бўйича тупроқ нотекис юмшатилади.

Тор қатор оралари айниқса сифатли юмшатилмайди. Чунки бу ҳолда культиваторга фақат иккита ва ҳатто битта иш органи ўрнатишга тўғри келади. Икки иш органидан фойдаланилганда уларни қатор оралари ўртасига нисбатан бирмунча силжитиб ўрнатиш талаб этилади. Бундан ташқари тупроқнинг тақилиб қолиши натижасида баъзан иш органлари трактор юриб кетаётганда силжиб кетади. Натижада тупроқнинг юмшатилган қавати четга сурилиб, ўртада эгат ҳосил бўлади. Бу ҳам ердаги намнинг тез бугланиб кетишига, демак қўшимча суғоришга сабаб бўлади.

Культиватор комплектида кўп сонда иш органлари бўлиши ва уларни бирма-бир монтаж қилиш, агрегатни созлаш ва унга хизмат кўрсатиш ишларини ҳам мураккаблаштириб юборади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қишлоқ хўжалик институтининг механизация лабораторияси юқоридаги камчиликларни эътиборга олиб, ғўза қатор ораларини ишлашда янги универсал иш органлари конструкциясини таклиф этди. Бу иш органларининг тажриба учун чиқарилган партияси «Чирчиқсельмаш» заводида ишланди ва уни синаб кўриш учун областимизнинг бир қатор МТСларига юборилди.

Янги иш органлари қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлашда барча ишлашларда бир хил иш органини ўрнатиш билан ўтказишга имконият беради. Бу иш органларидан ғўза парваришида даврининг бутун давомида фойдаланиш мумкин. Чунки у билан бегона ўтлар ҳам йўқотилади, тупроқ ҳам юмшатилади. Янги иш органларини қўллаганда қатор ораларини дастлабки ишлашданоқ ишнинг сифати ошиб, қаторлар тўппа-тўғри бўлиб қолади. Бу эса суғоришни енгиллаштириш билан бирга, кейинги ишлашларни ҳам қулай ўтказишга, демак ўсимликни сақлаб қолишга, шунингдек пахтани машина билан териш учун ҳам қулай имконият яратади.

Эндиликда культиваторларнинг янги иш органларини ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим вазифа бўлиши керак. Биз эса-чоғи эски станлаг комплектларни янги иш органлари билан алмаштиришимиз, шу билан бирга ишлаб чиқарилаётган культиваторларга янги иш органларини қўшиб юборишимиз лозим.

Культиватор янги иш органларидан фойдаланишнинг асосий қоидалари шуки, биринчи навбатда қатор ораларини культивациялаш тўғрисидаги барча агротехник талаблар таъмин этилиши зарур. Бунинг учун иш органлари ўткир-чархланган бўлиши шарт. Шу билан бирга қатор оралари тўла етилган вақтда ишланиши лозим.

Тупроқни юмшатиш чуқурлигига созлаш учун иш органларининг оғиш бурчаклари ўзгартирилади. Бунда тупроқ шароитига ҳамда қилинаётган ишнинг хилига қараб иш органлари ҳар хил тарзда созланади. Масалан, бегона ўтларни йўқотишда панжалар бирмунча юза ва кичик бурчак билан созланса қатор ораларини суғоришдан кейин юмшатишда талаб этилган чуқурликда катта бурчак билан созланади.

Бундан ташқари ишлаш чуқурлигини поводка пружинаси ёрдами билан ҳамда грялил ҳомути бўйича панжаларни силжитиб созлаш мумкин. Агар панжаларнинг тиғи ўткир бўлиб турса иш органларининг тупроқни етарли даражада чуқур ишлашини ва агрегатнинг ёнилғини ортиқча сарф қилмасдан ишлашини таъминлаш мумкин бўлади.

Бундан кейин культиваторларнинг янги иш органлари билан комплектланишини эътиборга олиб, ҳозирги вақтда синов ўтказаётган МТСларнинг ходимлари янги иш органларининг ишини пухта кўздан кечиришлари керак, токи практикада тўпланган мулоҳазаларни бу иш органларини кўплаб чиқаришда эътиборга олиш мумкин бўлсин.

Н. ВОЛКОВИЧ,
И. БАХТИЕРОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қишлоқ хўжалик институтининг илмий ходимлари.

Узунасига ишлаш учун: | Кўндалангига ишлаш учун: | Ҳаммаси

Ғўзани жойлаштириш схемалари	Ишлаш кенглиги (миллиметр ҳисобида)	Иш органлари сони	Ишлаш кенглиги (миллиметр ҳисобида)	Иш органлари сони	
60Х45	350	5	150	7	12
50х50	250	7	200	7	14
45х45	200	7	150	7	14

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Ўрта Осиё машина синаш станциясида ўтказилган синов янги иш органлари қатор ораларини яхши, сифатли ишлашини кўрсатди. Қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлашда уларнинг ҳар бирига ўзига мос келадиган иш органлари ўрнатилди. Натижада тупроқнинг юмшатилиши одатдагидан анча яхши бўлиб чиқди, яъни катта кесаклар ҳосил бўлмаганидек тупроқ кўкунлашиб ҳам кетмайди. Диаметри 10 миллиметргача бўлган кесакчалар процента янча кўпайгани ҳолда, диаметри 50 миллиметргача бўлган кесакчалар 24 процентдан 11 процентгача камаяди. Ишланган қатор оралари текис бет ҳосил қилиш билан бирга тупроқнинг намли қавати ағдарилмайди. Иш органлари сони камайганлиги учун уларни ўрнатиш, йиғиш ва агрегатни созлаш ишлари ҳам анча соддалашади. Иш органларининг шакли шундай тарздаки, улар билан тупроқни ишлаш кенглигига мувофиқ ҳар хил чуқурликда юмшатиш мумкин бўлади. Масалан, қатор ораларининг ўртасидаги тупроқ эгат четларидаги тупроққа қараганда бирмунча чуқур юмшатилади. Натижада ишлаш кенглиги ва улар учун белгиланган чуқурликнинг ўзгариш имконияти йўқ бўлади ва эгат остида доимий ишлаш профили ҳосил бўлади. Ҳолбуки стандарт типдаги иш органлари билан торайтирилган қатор ораларини ишлашда бу талаб яхши таъмин этилмайди. Айниқса культиваторга иккита учли ёки юза юмшатувчи панжалар ўрнатилганда иш сифати яхши бўлмайди.

Комплектда иш органлари ҳамда стойкалар сонининг камайиши натижасида бирмунча металл ҳам иқтисод қилиниб, ёнилғи ва ҳоказолар ҳам тежалади.

Синаш натижаларига қараганда янги иш органлари қўлланилганда ғўза қатор ораларини қўшимча бир-икки марта икки томонлама ишлаш ҳам мумкин бўлади. Чунки бу иш органлари ишлатилганда тракторнинг олдинги силдирғига одатдагидан бирмунча тор бўлган тўсиқлар қўйилади.

Янги иш органларини қўллаганда қатор ораларини дастлабки ишлашданоқ ишнинг сифати ошиб, қаторлар тўппа-тўғри бўлиб қолади. Бу эса суғоришни енгиллаштириш билан бирга, кейинги

Совет Иттифоқи билан Италия ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш учун

РИМ, 6 июль (ТАСС). Бугун Римда Совет Иттифоқи билан маданий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш проблемаларига бағишланган конференция бўлди. Конференцияни «Италия—СССР» жамияти ташкил қилди. Конференцияда итальян маданияти ва фани арбоблари, сиёсий доираларининг вакиллари қатнашдилар. Улар Италия ҳукуматини Совет Иттифоқи билан маданий алоқаларни ривожлантириш ишида конкрет тадбирлар кўришга чақирдилар.

Рим университетининг профессори Анджело Маккья Совет Иттифоқи билан маданий алоқаларни ривожлантириш зарурлигини уқтириб ўтди. Собиқ дипломат Раффаеле Гуарилья маданий алоқалар тўғрисида икки томонлама итальян-совет битими тузишни ёқлаб гапирди. Рим университети юридик факультетининг профессори Франческо Калассо Совет Иттифоқидаги ҳаётни чуқур ўрганиш зарурлиги тўғрисида гапирди. Конференцияда собиқ министрлар совети раиси Ферруччо Парри, ўқитувчи Батталья ва бошқалар ҳам сўзладилар.

Одер-Нейсседаги чегара тўғрисида Польша-Германия шартномаси имзоланган куннинг олти йиллиги

ВАРШАВА, 6 июль (ТАСС). Халқ-демократик Польшанинг меҳнаткашлари бугун Одер ва Нейсседаги дўстлик чегараси тўғрисида Польша-Германия шартномаси имзоланган куннинг олти йиллигини нишонламоқдалар. Мамлакатдаги корхоналарда, янги қурилишларда, қишлоқларда дўстлик чегарасининг аҳамияти тўғрисида, Польша Халқ Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида суҳбат ва докладлар ўтказилмоқда.

Марказий ва маҳаллий газеталар бугун ана шу кунга бағишлаб кўп мақола босиб чиқардилар.

«Трибуна люду» газетаси ёзади: Одер ва Нейсседаги дўстлик чегараси тўғрисидаги шартнома ишчи ва деҳқонларнинг биринчи герман давлати билан Польша ўртасидаги муносабатларни ривожлантирувчи муҳим халқаро акт бўлди. Шартнома натижасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда, самарали савдо-сотиқ алоқалари ва маданий алоқалар кенгайиб бормоқда.

ГДР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий муносабатларга доир

БЕРЛИН, 6 июль. (ТАСС). Ҳиндистон савдо ва саноат министрлигининг статс-секретари Х. Б. Р. Айенгар Германия Демократик Республикасига келди. Ташқи ва ички герман савдоси министри вазифасини ижро этувчи К. Грегор кеча уни қабул қилди ва ГДР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва кучайтириш тўғрисидаги, шунингдек Ҳиндистонни индустриалашда Германия Демократик Республикасининг иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиши тўғрисидаги масала юзасидан у билан музокаралар олиб борди.

Чехословакия ҳукумат делегацияси Польшага келди

ВАРШАВА, 6 июль (ТАСС). Чехословакия Республикаси бош министри В. Широкий бошчилигида Чехословакия ҳукумат делегацияси Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан бугун расмий визит билан Варшавага келди.

Чехословакия ҳукумат делегацияси Польшада бўлган вақтида иккала дўстона мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади.

Венгрия Халқ Республикаси Камбоджа короллигини таниди

БУДАПЕШТ, 6 июль (ТАСС). Венгрия Халқ Республикаси Президиуми Камбоджа короллигини таниди ва унинг билан дипломатия муносабатлар ўрнатишга қарор қилди.

Британия миллатлар ҳамкорлиги мамлакатлари бош министрлари конференциясининг якунловчи ахбороти

ЛОНДОН, 6 июль. (ТАСС). Британия миллатлар ҳамкорлиги мамлакатлари бош министрларининг конференцияси тамом бўлганидан кейин бугун якунловчи ахборот эълон қилинди.

Ахборотда айтилишича, бош министрларнинг музокаралари натижасида ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларига қарашда мақсаднинг бирлиги аниқланди. Сўнгра ахборот «конференция халқаро муносабатлар ривожланишининг муҳим даврида бўлди» деб таъкидлаб, қуйидагиларни қайд қилади:

«Миллатлар ҳамкорлиги мамлакатларининг ҳукуматлари ва халқлари тинчликка биргаликда интилмоқдалар. Улар дунёдаги барча халқлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилмоқдалар ва уларнинг агрессив мақсад ҳамда ниятлари йўқ. Уруш кўп кишиларни бахтсизликка дучор қилган бўлур эди; жаҳон уруши ҳамма учун вайронгарчилик келтирган бўлур эди. Миллатлар ҳамкорлигидаги барча мамлакатларнинг сиёсати ҳамиша умумий тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилади.

Бош министрлар қуролсизланиш тўғрисида ҳар томонлама битим тузиш йўлларини қидиришга катта аҳамият бераётганликларини таъкидладилар».

Ахборотда яна бундай дейилади: «Бош министрлар конференция давомида халқаро муносабатлар ва дунёдаги аҳвол нуқтаи назаридан Совет Иттифоқидаги анча муҳим воқиаларни қараб чиқдилар. Яқинда Совет Иттифоқига борган ва бошқа жойлардаги каби бу ерда ҳам совет раҳбарлари билан шахсий музокаралар олиб борган министрларнинг берган ахборотлари Совет Иттифоқидаги ишларга баҳо беришда ёрдам қилди.

Бош министрлар Совет ҳукуматининг ўз қуролли кучлари сонини камайтириш тўғрисида яқинда қабул қилган қарорини, унинг Совет Иттифоқи билан бошқа мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг кенгайтирилишини енгиллаштиришга таъёрлигини ва бошқа ҳукуматлар билан муносабатларни яхшилаш юзасидан билдирган истагини, муҳокама қилдилар.

Улар бу воқиаларни табрикладилар. Совет Иттифоқи билан бошқа буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг тобора яхшиланиши уруш ваҳимасини йўқотишга ёрдам беради ва умумий тинчлик манфаатларига хизмат қилади...

Миллатлар ҳамкорлиги мамлакатларининг ҳукуматлари ҳал этилмаган халқаро проблемаларни адолатли ва мустаҳкам равишда ҳал этиш учун зўр бериб ҳаракат қиладилар».

Сўнгра баёнотда бундай дейилади: Бош министрлар Ўрта Шарқда, Кипрда, Узоқ Шарқда ва Шарқи-Жанубий Осиёда вужудга келган вазиятни қараб чиқдилар.

Ахборотнинг охирги қисми иқтисодий проблемаларга тааллуқлидир.

СУРИЯ ПАРЛАМЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БАЙРУТ, 6 июль (ТАСС). Дамашқдан олинган хабарга қараганда, Сурия парламенти ўзининг кечаги мажлисида Сурия—Миср Иттифоқини (федерация формасида бўладиган иттифоқни) амалга ошириш масаласи юзасидан Миср ҳукумати билан музокаралар олиб бориш учун ташқи ишлар министри Салоҳиддин Битар бошчилигида комиссия тузиш тўғрисида ҳукуматнинг таклифини бир овоздан маъқуллаган.

Сўзга чиққан депутатларнинг жуда кўпчилиги, бу федерация ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларни ўз ичига оладиган бўлсин, деб талаб қилган.

Парламент раиси Назим Кудсий парламентнинг бу қарорини ҳозирги араб тарихида энг муҳим қарорлардан бири деб атаган.

ҚОҲИРА, 6 июль (ТАСС). Матбуотда хабар берилишича қараганда, Миср радиосидаги МЕН информация агентлиги Миср президенти Жамол Абдил Носирга мурожаат қилиб, Сурия парламентининг қарори тўғрисида ўз фикрини айтишни ундан сўраган. МЕН агентлигининг билдиришича, президент Носир бу қарорни қизғин табриклаганлигини айтган.

Миср билан Сурия ўртасида иттифоқ тузилиши, деган ўз сўзини давом эттириб Носир, Миср конституциясидаги қоидаларга мос келади. Бу конституциянинг 1-моддасида айтилишича, Миср халқи араб миллатининг бир қисмидир. Бу конституцияни Миср халқи якдиллик билан маъқуллади.

Ҳеч шубҳа йўқки, Сурия билан Миср ўртасида иттифоқ тузилиши конституциянинг 1-моддасида ёзилган истакни амалга ошириш йўлидаги ҳал қилувчи қадам деб баҳоланмоқда.

Носир шундай деб ишонч билдирдики, ҳамма араб халқлари бир иттифоқда бирлашади ва араб миллати халқаро майдонда самарали роль ўйнайди.

ПЕРУДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 5 июль (ТАСС). Илгари хабар берилганидек 17 июнда Перуда президент сайлови бўлиб ўтди. Сайлов олди кампанияси вақтида президент вазифасига учта кандидат: «Партидо ресталурадор» деган ҳукмрон партиядан Эрнандо де Лаваллe, «Мовимьенто прадиста демократико» деган консерватив партиядан Мануэль Прадо ва ёшлар миллий фронтидан Фернандо Белаунде кўрсатилган эди.

Мануэль Одриа ҳукумати ўзи кўрсатган кандидат—Эрнандо де Лаваллеининг ғалаба қозонишини таъминлашга интилиб, бир қанча анти демократик чораларни амалга оширди. Сайлов реакцион сайлов қонуни асосида, зўравонлик ва ўзбошимчалик ҳукм сурган шароитда ўтди. Ҳукумат конституциядаги гарантияларни вақтинча бекор қилди, митингларни тақиқлади, намойишларни ва забастовкаларни бостиришга қаратилган чораларни кўрди; кўп киши қамоққа олинди. Ҳукумат мана бу чораларига овозларни «нормал равишда» санашни таъминлаш зарурлигини баҳона қилиб кўрсатди.

Бироқ, ана шуларнинг ҳаммасига қарамай, ҳукумат кандидати—Лаваллe мағлубиятга учради. Интернейшнл Ньюс Сервис агентлиги муҳбирининг Лимадан берган хабарига қараганда овозлар қуйидагича бўлинган: Прадо 540. 634 овоз, Белаунде 433. 402 овоз, Лаваллe 199. 921 овоз олган. Республика президенти қилиб Мануэль Прадо сайланди деб расмий равишда эълон қилинди.

Америка матбуоти сайлов якунларини шарҳлаб, ҳукумат кўрсатган кандидатнинг мағлубиятга учраганлиги Одриа ўрнатган ҳарбий диктатура режимини халқ оммаси нақадар душман кўраётганлигини кўрсатади, деб тан бермоқда. Одрианинг Америкага тарафдорликлан иборат сиёсатни юргизаётганлиги маълум. «Лаваллeнинг мағлубиятга учраганлиги,—деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетасининг муҳбири Лимадан берган хабарида,—ҳамма доираларда генерал Одрианинг 8 йилдан буён давом этиб келаётган ҳукмронлиги тўғри дан-тўғри қоралаганлигини кўрсатди».

Хитой Коммунистик партиясининг VIII съездини чақириш тўғрисида

ПЕКИН, 6 июль (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Хитой Коммунистик партиясининг VIII съездини шу йил 15 сентябрда Пекинда чақиришга қарор қилди.

Съезднинг кун тартибидаги асосий моддалар қуйидагилардан иборат бўлади: 1. Партия Марказий Комитетининг иши тўғрисида доклад. 2. Партия Уставини ўзгартиш тўғрисида доклад. 3. ХХР халқ хўжалигини ривожлантириш иккинчи беш йиллик плани юзасидан таклифлар. 4. Партия Марказий Комитетини сайлаш.

Яман билан Чехословакия ўртасида дўстлик тўғрисида шартнома ва савдо битими имзоланди

ПРАГА, 6 июль. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, 5 июльда Прагада Яман билан Чехословакия ўртасида дўстлик тўғрисида шартнома ва бу икки мамлакат ўртасида савдо битими имзоланган.

Дўстлик тўғрисидаги шартномани ва савдо битимини валиаҳд шаҳзода, Яман бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Сайфулислом Муҳаммад Албадр ва Чехословакия Республикасининг бош министри Вильям Широкий имзолаганлар.

Ҳиндистон ҳукуматининг Никобар ороллaридаги инглиз ҳарбий базасини тугатиш тўғрисидаги қарори

ДЕҲЛИ, 6 июль (ТАСС). «Ҳиндустан стандард» газетасининг хабарига қараганда, Ҳиндистон ҳукумати Ҳиндистон мустақиллик олгандан кейин Никобар ороллaридаги аэродромдан инглиз ҳарбий ҳаво кучлари базаси сифатида фойдаланиш ҳақида Англия ҳукуматига берилган рухсатномани бекор қилишга қарор берган.

Газета томонидан Ҳиндистон территориясидаги кейинги инглиз ҳарбий базаси деб аталган бу аэродром Шарқи-Жанубий Осиёдаги Британия мустамлакаларида олиб борилаётган ҳарбий операциялар муносабати билан муҳим роль ўйнаб келар эди. Газетанинг ёзишича, Ҳиндистон ҳукумати мустамлакачилик масаласида Ҳиндистоннинг қаттиқ туриб келаётган позицияси муносабати билан у инглиз ҳарбий-ҳаво кучларининг бу аэродромдан бундан буён ҳам фойдаланишларига йўл қўёлмайди, чунки Цейлонлаги Британия базалари тугатилгандан кейин бу аэродром Шарқи-Жанубий Осиёда инглиз мустамлакачилик ҳукмронлигининг таянчига айланиши мумкин.

Непалда ҳукуматга қарши бўлган фитна фош қилинди

ДЕҲЛИ, 6 июль (ТАСС). Ҳиндистон газеталари мухбирларининг Катмандудан билдиришларига қараганда, у ерда ҳукуматга қарши қаратилган фитна фош қилинган. Бу фитнашиг қатнашчилари асосан собиқ офицерлардан иборат. Фитна қатнашчилари король саройига, ҳукуматнинг резиденциясига ва министрларнинг уйларига кечаси қўққисдан ҳужум қилиб, ҳокимиятни қўлга олиш ниятида бўлганлар.

12 киши қамоққа олинган. Кўп пул маблағларига эга бўлган фитна қатнашчилари армиянинг бир қисмини ўз томонларига тортмоқчи бўлиб уринганлар, аммо ҳукумат вакилининг сўзига қараганда, улар бунга муваффақ бўлолмаганлар.

Ҳукуматнинг ана шу вакили қуйидагиларни айтган: Фитначиларнинг орқасида қимлар турганлиги жуда характерлидир, чунки қамоққа олинган фитначилардан лоақал уч киши мамлакатдаги иккита етакчи сиёсий партия билан боғланган кишилардир, қамоққа олинганлардан бири эса Америкага тарафдорлиги билан машҳур бўлган кишидир.

Швеция аҳолисининг сони

СТОКГОЛЬМ, 6 июль (ТАСС). Марказий статистика бюросининг матбуотда эълон қилинган расмий маълумотларига қараганда, 1956 йил 1 январда Швеция аҳолисининг сони 7.290.112 кишидан иборат бўлган.

АҚШнинг давлат қарзи

НЬЮ-ЙОРК, 6 июль. (ТАСС). Ассошиэйтед пресс агентлиги билдиради: АҚШ ҳукумати АҚШнинг давлат қарзи 1956 йилнинг 30 июнигача 272. 750. 813. 649 доллар бўлганлигини маълум қилди.

Носир Югославияга боради

ҚОҲИРА, 6 июль. (ТАСС). Миср матбуоти билдиради: Миср президенти Носир 12 июлда махсус визит билан Югославияга жўнайди. Носир Югославияда 8 кун бўлади ва президент Тито билан музокаралар олиб боради. Носирнинг бу сафарида ташқи ишлар министри Фавзий ва муниципалитет ҳамда қишлоқ жойлари ишлари министри ва планлаштириш масалалари бўйича давлат министри Бағдодий унга ҳамроҳ бўлиб борадилар.

Ҳиндистонда сув тошқинлари

ДЕҲЛИ, 6 июль (ТАСС). Ҳиндистон информация бюроси хабар беради: қаттиқ селлар ва сув тошқинлари натижасида етказилган зарар тўғрисида бир қанча штатлардан хабарлар келмоқда.

Сауроштра штатида бир неча жойда автомобиль, темир йўл ва ҳаво алоқаси тўхтатилган. Панжоб штатидаги Амбалада қаттиқ сел ёғмоқда. Бу ҳол темир йўл алоқасига таъсир қилди. Ассам штатида Брамапутра дарёсининг тармоғи Диханг дарёси тошиб 100 квадрат милялик район сув остида қолган. 40 қишлоқнинг йиғиб олинмаган ҳосили нобуд бўлган.

Жанубда Мадорас штатида, Тричурада шоли экилган 10 минг акр майдон сув остида қолган.

Суратда: Оҳангарон шаҳри. Пушкин кўчаси. **В. Лейзерович** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тошкент кўчалари ва скверларида серманзара ўсимлик

Ҳар бир йўловчи Революция скверидан ўтиб бораётганда, унинг бу ерда қад кўтарган, гул ичига гарқ бўлган гўзал ўсимликка бир назар ташламай иложи йўқ. Кишини шунчалар мафтун этадиган бу ўсимлик қандай ўсимлик экан?! У —юккадир. Юкканинг тури жуда кўп. Унинг ватани Шимолий Американинг марказий ва жанубий қисмидир. Биринчи юкка СССР территориясида XIX асрда пайдо бўлган.

Юкка уругдан, унинг илдизи ва навдасидан кўпайтирилади, у декоратив ўсимликлар каби ўстирилади. Юкка япроқларидан тола олинади. Баъзи тур юккаларнинг толасидан зиғир-жут саноатида фойдаланилади, ундан қоп, арқон ва чизимча, шунингдек зиғир типидаги мата тайёрланади.

Ўрта Осиёда юкка ўсимлиги ҳозирча кам. Бироқ Тошкент Ботаника боғида бу ғоят манзарали ва қимматли ўсимликни ўрганиш ҳамда унинг ҳар хил турларини тарқатиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Химикларнинг ёрдамчи хўжалигида

Чирчиқ электро химия комбинати бир минг етти гектар майдондан иборат йирик ёрдамчи хўжаликка эга. Хўжаликнинг 70 процент еридан асосан чорва молларига ем-хашак етиштириш учун фойдаланилади. Бундан ташқари 620 гектар ерга кузги ва баҳорги дон, 380 гектар ерга картошка, помидор, карам ва бошқа сабзавот экилари экилиб, илғор агротехника талаблари асосида парвариш қилинаётир. Ёрдамчи хўжаликнинг 16 гектар узумзори бор. Токлар ўз вақтида сифатли парвариш қилинаётганлиги туфайли узум ҳосили мўл бўлмоқда.

Шу кунларда ёрдамчи хўжаликдан комбинатнинг ошхона ва дўконларига кўп миқдорда карам, бодринг, картошка, пиёз тухум, сут ҳамда чиллаки узум келтирилаётир.

Ёрдамчи хўжалик қарамоғида 235 йирик шохли мол бор. Булардан ташқари чўчқачилик, паррандачилик ва асал аричилик ҳам тез ривожлантирилмоқда.

Ёрдамчи хўжалик электрохимия комбинати ошхоналари, дўконларини сабзавот моллари билан таъминлаб, ишчи ва хизматчиларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришда катта роль ўйнамоқда.

Т. УРУНОВ.

Тахта чиқиндисидан пол ясалмоқда

Оҳангарон шаҳар қурилиш бошқармасига қарашли ёғочсозлик комбинатининг директори Рихтер ва қурилиш участкаси бошлиғи Педчик ўртоқлар қирқиб ташланган чиқинди тахталарни мазлум ҳажмлик қилиб йиғиш ва ундан уй-жой биноларининг поли учун фойдаланиш мумкин эканлигини тажрибада исботлаб кўрсатдилар.

Бундай йирма тахталардан қилинган полнинг сифати одатдаги полдан ҳеч қолишмайди, у тоб ташламайди. Ўрта ҳисоб билан комбинатда ана шундай қирқинди тахталар йилига 400 кубометр чиқади. Энди эса шунча чиқинди тахтадан 7000-7500 квадрат метр миқдорида пол қуриш мумкин.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ БИР ОЙЛИК СЕМИНАРИ

Оржоникидзе районидаги Навоий номли мактаб биносида Тошкент область мактаблари тил ва адабиёт ўқитувчилари учун ўзбек орфографиясининг асосий қоидаларини ўрганиш юзасидан бир ойлик семинар ўтказилмоқда.

Семинарга Тошкент область мактабларининг V-X синфларида дарс берувчи 100 дан ортиқ ўқитувчиси қатнашмоқда. Семинарни олиб бориш учун тил ва адабиёт фани мутахассисларидан Фахри Камол, Мурод Шамс ва бошқа ўртоқлар жалб этилган. Бир ойлик курса Тошкент область халқ маорифи бўлимининг инспектори Ўртоқ О. Аролов раҳбарлик қилмоқда.

Ю. МАНСУРОВ.

Собир НУЪМОНОВ

Кеча, 7 июлда «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакциясининг адабий ходими Собир Нуъмонов бевақт, фожиали вафот этди.

Собир Нуъмонов 1929 йилда Тошкентда туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, 1949 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Университетни муваффақият билан битиргач, Собир Нуъмонов 1954 йили янги ташкил этилган «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясида ишлай бошлади.

Редакция қишлоқ хўжалик бўлимининг адабий ходими ўртоқ С. Нуъмонов ишчан, ташаббускор, интизомли ходим ва камтар ўртоқ сифатида коллектив ҳурматига сазовор бўлди. У, редакциянинг барча топшириқларини садоқат билан бажарар, ўз севган касби—журналистлик маҳоратини ошириш учун тинмай ҳаракат қилар эди.

Собир Нуъмонов 1946 йилда, мактаб ўқувчиси эканлиги вақтида ВЛКСМ сафига кирди. Мактаб ва университетдаги ўқув йиллари ҳамда газета редакциясидаги иш фаолияти даврида ўртоқ С. Нуъмонов актив жамоатчи ва яхши ташкилотчи эканлигини кўрсатди.

Фожиали бевақт ўлим ўз билими ва куч-ғайратини жамоат ишига астойдил бағишлаган, ижоди тинмай ўсиб, улғаяётган қадрдон ўртоғимизни орамиздан олиб кетди.

Ўртоқ С. Нуъмоновнинг ёркин образи хотирамизда узоқ вақт сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Енгил машиналардан фойдаланиш тартибга солинсин

Совет кишиларининг турмуши кундан-кунга фаровон ва бадавлат бўлиб бормоқда. Бунинг ёркин далилларидан бири енгил автомашинаси бўлган гражданларнинг сони тобора ортиб бораётганлигидир. Тошкент шаҳрининг ўзидагина ҳозир 3 мингдан ортиқ гражданда хусусий енгил автомашина бор.

Совет давлати гражданларнинг автомашиналарга эгалик қилишлари учун шароит яратиб бериш билан бирга машина эгалари олдига бир қанча талабларни ҳам қўяди. Жумладан, машина эгалари ўз автомашиналаридан фойдаланишда суйистемол қилмасликлари, машинадан фақат ўзларининг эҳтиёжлари учунгина фойдаланишлари, кўча ҳаракати қоидаларига қаттиқ риоя қилишлари лозим. Лекин кўпгина гражданлар бу қоидаларга амал қилмаётирлар, кўпинча автомашиналардан фойдаланишнинг қоида ва тартибларини кўпол равишда бузиб келаётирлар.

Кеча бўлиб ўтган хусусий автомашина эгаларининг умумшаҳар кенгаши хусусий машиналардан фойдаланишни тартибга солиш масалаларига бағишланди. Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Юстиция министрлиги, республика прокуратураси, автоинспекциясининг ходимлари ҳам қатнашдилар.

Кенгашда Тошкент шаҳар милиция Бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қаландаров ахборот берди. У айрим гражданларнинг машиналарни ўз шахсий эҳтиёжлари учун эмас, балки бойлик орттириш учун сотиб олаётганликларига эътиборни жалб қилди. Айрим шахслар машина билан спекуляция қилиш йўлига тушиб олганлар. Масалан, Г. К. Рухадзе деган шахс кейинги йилларда 4 та «Победа» машинасини олиб сотган. Алишер Навоий номли театрнинг шофери Ф. В. Гуляшников хотини билан, Н. Н. Кузнецов, С. Н. Белоконь ва бошқа шахслар ҳам енгил автомашина олиб сотиш билан шуғулланиб келганлар.

Айрим машина эгалари ўз машиналарини жиноятчи шахсларга, ўғрилар шайкаларига бериб қўйганлар. Масалан. Вали Набиев деган киши ўзининг «Победа» машинасини босқинчиларга берган. Набиев босқинчилар билан бирга қамоққа олинган ва жазоланган.

Машина эгаларининг баъзилари эса ўз машиналаридан даромад орттириш мақсадида нотаниш пассажирларни ташишда фойдаланадилар. Ташхладокомбинатнинт машинист ёрдамчиси С. А. Каспаров, Киров райпромкомбинатининг слесарь—налаличи А. Х. Волохонский, контролер А. М. Пўроҳимов ва бошқалар ўз машиналаридан ҳамиша ана шу мақсадда фойдаланиб келганлар. Машина эгаларининг кўча қоидаларини қўпол равишда бузишларига, машинани маст ҳолда ҳайдаш каби фактларга асло чидаб бўлмайди. Фақат ўтган ярим йил ичидагина Тошкентда хусусий машиналари бўлган кишилар томонидан кўча ҳаракати қоидаларининг 2.174 марта бузилганлиги қайд этилди. Булар орасида жиддий зарарланган кишилар ҳам бор.

Бу аҳволга чек қўйиш керак. Хусусий машиналардан фойдаланишда қаттиқ тартиб ўрнатилиши лозим. Лекин кенгашдан маълум бўлишича Тошкент шаҳар милицияси, давлат автоинспекцияси ходимлари бундай тартиб ўрнатилиши учун жиддий кураш олиб бормаётирлар. Улар кўпинча келишувчиликка йўл қўядилар, кўча ҳаракати қоидаларини бузувчиларга либералик қиладилар. хусусий машиналардан фойдаланишда суйи истемол қилувчиларни жавобгарликка тортишда қатъиятсизлик кўрсатмоқдалар.

Давлат автоинспекциясига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига ва милиция бошқармасига бир қанча жиддий эътирозлар билдирилди. Жумладан, Тошкентда хусусий автомашиналарни сақлаш учун жамоат гаражлари, машиналар турадиган жойлар, автомашиналарни ювадиган жойлар қуриш лозимлиги. машиналарни ёнилғи билан таъминлашни тартибга солиш кераклиги айтиб ўтилди.

Кенгашда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Р. Ғуломов сўзлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/VII да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кечқурун **Марварид қиди-рувчилар**, 10/VII да **Ромео ва Жульетта.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 8/VIIда **Сурмахон**, 10/VII да **Азиз ва Санам.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Илк севинчлар.**

«ИСКРА», — кеч соат 9 дача **Илк севинчлар**, кеч соат 9 — 40 минутдан **Полициячилар ва ўғрилар.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Олтин олмалар**, кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Севгилига шарф.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН» — **Полициячилар ва ўғрилар**,

«ИСКРА», «УДАРНИК», — **Илк севинчлар**,

«ИСКРА» (Кафанов номли парк), «ХИВА» — **Севгилига шарф.**

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг коллективи, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари редакция адабий ходими

Собир НУЪМОНОВ

бевақт фожиали вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар, марҳумнинг оиласига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

(ёзги бино)

9 июлда

КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Шаҳодат Раҳимова, Розия Каримова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Зайнаб Самиева, Зайнаб Полтушева, Абдуғафур Абдурахмонов** ва солистлар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Касса кундуз соат 3 дан очилади.

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Умаржон Исмоилов асари

Зафар

4 парда, 6 кўринишли музикали драма

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **П. Раҳимов** ва **Х. Раҳимов** музикаси.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **И. О. Юнгвальд-Хилькевич**, дирижёр — **Н. М. Гинзбург**, рассом — **Г. А. Визель.**

Коллектив бўлиб кўриш учун 33-907-телефон орқали заявкалар қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиш бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 03893. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1473.